

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ  
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ-МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ  
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**“КОНЧИЛИК КОРХОНАЛАРИНИ ЛОЙИХАЛАШДА  
КОМПЬЮТЕР ТЕХНИКАСИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ  
САМАРАЛИ УСУЛЛАРИ”  
МОДУЛИ БЎЙИЧА  
ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА**

**Тузувчи: доц. Т.Ақбаров**

Ўқув-услубий мажмуа олий ўқув юрти профессор-ўқитувчиларининг малакасини ошириш учун мўлжалланган бўлиб, бурғилаш ва геофизик ишларида зарур бўладиган замонавий техника ва технологиялар, бурғилаш усуллари ҳақида маълумотлар берилган.

Мазкур ўқув-услубий мажмуадан педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларни малака ошириш тармоқ марказига келган барча профессор-ўқитувчилар фойдаланиши мумкин.

# **ИШЧИ ЎҚУВ ДАСТУРИ**

## **Модулнинг асосий мақсади ва вазифалари:**

Фойдали қазилма конларини қазиш ишларини олиб борувчи кончилик корхоналарини лойиҳалаштириш ҳамда қурилишининг замоновий усуллари, янги кон корхоналарини қуриш ҳамда уларни реконструкция қилиш кончилик технологияси жараёнларни яхши билиш, кон-геологик шароитларни, хавфсизлик техникаси ва экологик талабларини тушунган ва уларни ҳисобга олган ҳолда қазиш ишларини олиб бориш талабини кўяди. Георесурсларни рационал ўзлаштириш ва ишлатиш мақсадида турли ахамиятга эга бўлган ер ости иншоатлари ва кон-қазиб олиш корхоналарини қуриш, реконструкция қилиш, лойиҳалаш усуллари ва иш фаолиятни бошқариш каби усулларни ўз ичига олувчи ишлаб чиқариш ва кон соҳасининг илми, модул тарихи ва ривожланишининг тенденцияси, истиқболи ҳамда республикамиздаги ижтимоий-иктисодий ислоҳотлар натижалари ва ҳудудий муаммоларининг кончилик истиқболига таъсири масалаларини қамраб олади.

Модулни мақсади-tinglovchilarни фойдали қазилма конларининг геологик хусусиятлари, кончиликдаги мавжуд атамалар, конларни қазиб олиш усуллари ва технологияси тўғрисида тушунчалар, амалда қўлланиладиган техника воситалари, уларнинг турли шароитларда ишлаш тамойиллари, шунингдек, фойдали қазилмаларни қазиб олишни лойиҳалаштириш усулларини ўрганиш ва таҳлил қилишдан иборат. Барча кон ишлари билан боғлиқ бўлган техноген ва табиий жараёнлар сабаблари ва оқибатлари билан тингловчilarни таништириш, ҳамда меҳнатни муҳофаза қилиш, хавфсизлик қоидалари, атроф муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш талабларини ўргатиш модулнинг асосий вазифаси ҳисобланади. Модулнинг ўқитилишидан мақсад - тингловчilarга шахталар ва ер ости иншоотларни лойиҳалаш ва ҳавфсиз иш олиб бориш вазифалари билан мукаммал таништириш, ҳамда иктисодий қўрсаткичларга эришиш усуллари ҳақида маълумот беришdir.

## **Модул бўйича билимлар, кўникмалар, малакаларга қўйиладиган давлат талаблари**

“Кончилик корхоналарини лойиҳалашда компьютер техникасидан фойдаланишининг самарали усуллари” ўқув модулини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида тингловчilar:

- кон корхоналарининг асосий фаолияти;
- шахта ва рудникларни лойиҳалаш асослари;
- лойиҳалаш ҳақида умумий маълумотлар;
- лойиҳалашнинг меъёрий базаси;
- конни молиявий иқтисодий баҳолаш усуллари;
- руда таркибидаги метални критик баҳосини аниқлаш ҳақида билимга эга бўлиши;

**Тингловчи:**

- корхоналарини лойиҳалаш бўйича статистик маълумотлар асосида мустақил таҳлил қилиш;
- аниқланган камчиликларни йўқотиш учун техник-иқтисодий асосланган тадбирларни ишлаб чиқиш;
- шахта ва рудникларни қуриш ёки ишлаб турганларни қайта жиҳозлашини лойиҳалашда капитал бозорида қўлланилаётган молиявий ҳисобларни қўллаш усулларини ҳисоблаш;
- конни қазиб олиш усулларини танлаш;
- рудникни йиллик ишлаб чиқариш унумдорлигини аниқлаш;
- шахтани асосий ўлчамларини, шу жумладан қаватлар баландлигини аниқлаш ва уларни ишлаб чиқаришга тадбиқ қилиш каби **кўникма ва малакаларга эга бўлиши лозим.**

**Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

Модулни ўрганиш бакалавриатурдаги мутахассислик фанлари, экология, минералогия, геомеханика, кон ишлари асослари ва бошқа умуминженерлик фанлари билан узвий боғлиқ бўлиб, магистрларнинг барча мутахассислик фанларидан етарли билим ва кўникмаларга эга бўлиши талаб этилди ҳамда келажакда етук мутахассис тайёрлашга замин ҳозирлайди.

**Ўқитишдаги педагогик ва ахборот-коммуникация технологиялар.**

Тингловчиларнинг “Кон корхоналарини лойиҳалашда компьютер техникасидан фойдаланишнинг самарали усуллари” модулини ўзлаштириши учун ўқитишнинг илфор ва замонавий усулларидан фойдаланиш, янги информацион-педагогик технологияларни тадбиқ қилиш кўзда тутилади. Модулни ўзлаштириш дарслик, ўқув ва услубий қўлланмалар, маъруза

матнлари, тарқатма материаллар, электрон материаллар ҳамда ишчи ҳолатдаги мини бойитиш дастгоҳларидан фойдаланилади.

### **Модул бўйича соатлар тақсимоти**

	<b>Мавзуу</b>	<b>Назарий</b>	<b>Амалий</b>	<b>Кўчма маш</b>	<b>Муста-кил</b>
<b>1</b>	Шахта ва рудникларни лойихалаш асослари модулининг вазифаси ва мақсади.	<b>4</b>	-	-	-
<b>2.</b>	Конни молиявий иқтисодий баҳолаш усуллари. Руда таркибидаги метални критик баҳосини аниқлаш	-	4	-	-
<b>3</b>	Шахта ва рудникларни қуриш ёки ишлаб турганларни қайта жиҳозлашини лойихалашда капитал бозорида кўлланилаётган молиявий ҳисобларни кўллаш усулларини ҳисоблаш		4		
<b>4</b>	Конни қазиб олиш усулларини танлаш. Рудникни йиллик ишлаб чиқариш унумдорлигини аниқлаш усуллари.		2		
<b>5</b>	Шахтани асосий ўлчамларини, шу жумладан қаватлар баландлигини аниқлаш.				<b>2</b>
	<b>Жами</b>	<b>4</b>	<b>10</b>	-	<b>2</b>

**Маъруза машғулотларининг мазмун**

## **1-маъруза: Шахта ва рудникларни лойиҳалаш асослари модулининг вазифаси ва мақсади.**

### **Режа:**

1. Шахта ва рудникларни лойиҳалаш асослари модулининг вазифаси ва мақсади.
2. Лойиҳалаш ҳақида умумий маълумотлар.
3. Лойиҳалашнинг меъёрий базаси.
4. Корхона лойиҳасини мазмуни, бўлимлари, ишчи хужжатлар, смета хужжатлари, қурилишни ташкил этиш лойиҳаси.

Ўзбекистонда соҳани ривожланиши борасида олиб борилаётган янгиланишлар. Лойиҳалаш ҳақида умумий маълумотлар, лойиҳалашнинг меъёрий базаси. Корхона лойиҳасини мазмуни, бўлимлари, ишчи хужжатлар, смета хужжатлари, қурилишни ташкил этиш лойиҳаси. Лойиҳалашда компьютер технологияларидан фойдаланиш.

## **Амалий машғулотлар мавзулари**

### **1-Мавзу: Конни молиявий иқтисодий баҳолаш усуллари. Руда таркибидаги метални критик баҳосини аниқлаш.**

#### **РЕЖА:**

1. Конни молиявий иқтисодий баҳолаш усуллари.
2. Руда таркибидаги метални критик баҳосини аниқлаш.

### **2- Мавзу: Шахта ва рудникларни қуриш ёки ишлаб турганларни қайта жиҳозлашини лойиҳалашда капитал бозорида қўлланилаётган молиявий ҳисобларни қўллаш усулларини ҳисоблаш.**

#### **Режа:**

1. Шахта ва рудникларни қуриш ёки ишлаб турганларни қайта жиҳозлашини лойиҳалаш.
2. Капитал бозорида қўлланилаётган молиявий ҳисобларни қўллашда замонавий усуллардан фойдаланиш.

### **3-Мавзу: Конни қазиб олиш усулларини танлаш. Рудникни йиллик ишлаб чиқариш унумдорлигини аниқлаш усуллари.**

#### **Режа:**

1. Конни қазиб олиш усулини танлаш
2. Рудникни йиллик қазиб чиқариш қувватини аниқлаш

## **Мустақил иш мазмуни ва мавзулари**

Ушбу ўқув модули бўйича тингловчининг мустақил иши маъruzалар матни ва тавсия этилган адабиётлар ҳамда даврий журналлар ва Интернет материаллари билан ишлашни, амалий машғулотлар ўтишга тайёргарлик кўришни, синов натижаларига ишлов беришни ҳамда муайян мавзулар бўйича рефератлар ёзишни, стандарт талабларига мос равишда мустақил бажаришни ўз ичига олади.

1. График ва графоаналитик усуллар.
2. Математик моделлаштириш усули.
3. Автоматлаштирилган лойиҳалаштириш тизими (САПР).
4. Кончилик корхоналарини иншоатларини лойиҳалаш ва қуриш принциплари
5. Шахта ва ер ости қурилишларини лойиҳалашнинг асослари
6. Кон лаҳимлари ва ер ости иншоатларини лойиҳалаш.
7. Лаҳимларни белгиланиши ва ишлаш муддатига боғлиқ ҳолда лаҳимларнинг шакли ва кесм ўлчамларини лойиҳалаш принциплари
8. Ишларни ташкил этиш ва кон лаҳимларини ўтишнинг жадал технологияларини танлаш принциплари
9. Ер усти иншоатлари ва биноларни қуришнинг конструкциялари ва асосий принциплари
10. Лойиҳалаш ва қуриш вақтида меҳнатни ва ташқи мухитни муҳофаза қилиш ишлари

### **Дастурнинг информацион-методик таъминоти**

Модулни ўқитишида ўқитишининг интерфаол усулларидан, ахборот-коммуникацияларининг презентацион, мультимедия, электрон-дидактик технологияларидан кенг фойдаланилади.

### **Асосий дарслеклар ва ўқув қўлланмалар**

#### **Асосий**

1. Шестаков В.А. Проектирование горных предприятий. Учебник. М.: МГГУ, 2003. - 800 с.
2. Пешкова М.Х. Экономическая оценка горных проектов. М.: МГГУ, 2002. - 422 с.
3. Сагатов Н.Х. Кон иши асослари. Ўқув қўлланма. Тошкент: ТДТУ, 2005. –212 б.

4. Сагатов Н.Х., Меликулов А.Д., Шамирзаев Х.Х. Фойдали казилма конларини ер ости усулида қазиш. Ўқув қўлланма. Тошкент, ТДТУ, 2004. –170 б.
5. Картозия Б.А., Корчак А.В., Мельникова С.А. Строительная геотехнология. М.: МГГУ, 2003.– 231 с.
6. Картозия Б.А., Малышев Ю.Н., Федунец Б.И. и др. Шахтное и подземное строительство. Том1. М.: МГГУ, 2003. 732 с; Том2. М.: МГГУ, 2003. 815 с.
7. Шилин А.А. Освоение подземного пространства (зарождение и развитие). М.: МГГУ, 2005.– 305 с.

### **Қўшимча**

1. Аренс В.Ж. Основы методологии горной науки. М.: МГГУ, 2003.-223 с.
2. Попович Н.Н. Экономический механизм оценки эффективности реконструкции угледобывающих предприятий. М.: МГГУ, 2002. - 248 с.
3. Михеев О.В., В. Г. Виткалов и др. Подземная разработка пластовых месторождений. М.: МГГУ, 2001. - 488 с.
4. Порцевский А.К. Выбор рациональной технологии добычи руд. Геомеханическая оценка состояния недр. Использование подземного пространства. Геоэкология.-М.: МГГУ, 2003. - 767 с.
5. Хохряков В.С. Проектирование карьеров. М., Недра, 1980.
6. Ржевский В.В. Открытые горные работы. М., Недра, 1985.
7. Шпанский О.В. Сборник задач по проектированию карьеров. Л., ЛГИ, 1987.
8. Научные проблемы горного производства. Сборник статей к 80-летию академика В.В. Ржевского. М.: МГГУ, 2000. -350 с.
9. АРКОМ-97. Сборник докладов на английском языке. М.,МГГУ, 1997.
10. Баклашов И.В., Борисов В.Н. Проектирование и строительство горнотехнических зданий сооружений. Части 1-2. М.: Недра, 1990-1991.
11. Куликов Ю.Н., Максимов А.П. Проектирование и строительство горнотехнических зданий и сооружений. - М.: Недра, 1991.
12. Куликова Е.Ю. Подземная геоэкология мегаполисов. М.: МГГУ, 2005. 480 с.

[http://www.elibrary.ru/menu\\_info.asp](http://www.elibrary.ru/menu_info.asp) – илмий электрон кутубхона.

<http://mggu.da.ru> – Москва давлат кончилик университети.

## ЎҚИТУВЧИННИНГ КАЛЕНДАР ИШ РЕЖАСИ

<b>Ўқитувчининг Ф.И.Ш</b>	<b>доц. Исмоилов А</b>		
<b>Модул номи:</b>	<b>“Кончилик корхоналарини лойиҳалашда компьютер техникасидан фойдаланишнинг самарали усуллари”</b>		
<b>Ажратилган вақт: 20 соат</b>			
<b>Модул бирликлари</b>	<b>Машғулот тури</b>	<b>Ажратилган соат</b>	<b>Ҳафта бўйича соатлар тақсимоти</b>
Шахта ва рудникларни лойиҳалаш асослари модулининг вазифаси ва мақсади.	назарий	4соат	Ойнинг I-ҳафтаси
Конни молиявий иқтисодий баҳолаш усуллари. Руда таркибидаги метални критик баҳосини аниқлаш	амалий	4 соат	Ойнинг II-ҳафтаси
Шахта ва рудникларни қуриш ёки ишлаб турганларни қайта жиҳозлашини лойиҳалашда капитал бозорида қўлланилаётган молиявий ҳисобларни қўллаш усулларини ҳисоблаш	амалий	4 соат	Ойнинг III-ҳафтаси
Конни қазиб олиш усулларини танлаш. Рудникни йиллик ишлаб чиқариш унумдорлигини аниқлаш усуллари.	амалий	2 соат	Ойнинг III-ҳафтаси
Шахтани асосий ўлчамларини, шу жумладан қаватлар баландлигини аниқлаш.	мустақил	2соат	Ойнинг VI -ҳафтаси
<b>Жами:</b>		<b>16соат</b>	

## ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

<b>1- Мавзу.</b>	<b>Шахта ва рудникларни лойиҳалаш асослари модулининг вазифаси ва мақсади.</b>
------------------	--

### 1.1. Маъруза машғулотининг ўқитиш технологияси.

Вақти-4 соат	Тингловчилар сони 15- 20 нафар
Ўқув машғулотининг шакли	Ахборот маъруза
Маъруза машғулотининг режаси	<p>1. Шахта ва рудникларни лойиҳалаш асослари модулининг вазифаси ва мақсади.</p> <p>2. Лойиҳалаш ҳақида умумий маълумотлар.</p> <p>3. Лойиҳалашнинг меъёрий базаси.</p> <p>4. Корхона лойиҳасини мазмуни, бўлимлари, ишчи хужжатлар, смета хужжатлари, қурилишни ташкил этиш лойиҳаси.</p>
<p><i>Ўқув машғулотининг мақсади:</i> Тингловчиларнинг шахта ва рудникларни лойиҳалаш асослари модулининг вазифаси ва мақсади, лойиҳалаш ҳақида умумий маълумотлар, лойиҳалашнинг меъёрий базаси буйича билимларини ривожлантириш.</p>	
<p><i>Педагогик вазифалар:</i></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Шахта ва рудникларни лойиҳалаш асослари модулининг вазифаси ва мақсади ҳақида маълумотлар бериш;.</li> <li>• Лойиҳалаш ҳақида билимларини такомиллаштириш;</li> <li>• Лойиҳалашнинг меъёрий базаси билан таништириш;</li> <li>• Корхона лойиҳасини мазмуни, бўлимлари, ишчи хужжатлар, смета хужжатлари, қурилишни ташкил этиш лойиҳаси ҳақида маълумотлар бериш.</li> </ul>	<p><i>Ўқув фаолиятининг натижалари:</i></p> <p>тингловчи:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Шахта ва рудникларни лойиҳалаш асослари модулининг вазифаси ва мақсади билан танишади;</li> <li>• Лойиҳалаш ҳақидаги мавжуд билимлари такомиллашади;</li> <li>• Лойиҳалашнинг меъёрий базаси билан танишади;</li> <li>• Корхона лойиҳасини мазмуни, бўлимлари, ишчи хужжатлар, смета хужжатлари, қурилишни ташкил этиш лойиҳаси ҳақида маълумотларга эга бўлади.</li> </ul>
Ўқитиш усули	Ахборот маъруза , “Тушунчалар таҳлили”, сухбат методи, Ақлий хужум
Ўқитиш воситалари	Маърузалар матни, проектор, плакатлар, доска, бўр, тарқатмалар
Ўқитиш шакли	Жамоа, гурӯх бўлиб ишлаш.
Ўқитиш шарт-шароити	Жихозланган аудитория.
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки сўров

## Маъруза машғулотининг технологик картаси

Босқичлар, вақти	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	Тингловчи
1-босқич. Тайёргарлик босқичи	<p>1.1. Мавзу бўйича машғулот мазмунини тайёрлайди.</p> <p>1.2. Ахборот визуал маъруза учун тақдимот слайдларини тайёрлайди.</p> <p>1.3. Ўқув модулини ўргатишда фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати тайёрлайди.</p>	
2-босқич Кириш (20 минут)	<p>2.1. Ўқув модулининг номини эълон қиласди. Фан бўйича умумий тасаввур келтиради. Ишнинг методологик ва ташкилий хусусиятларини ёритиб беради.</p> <p>2.2. Мавзугв оид саволлар бериш орқали “Ақлий хужум” методини ўтказади.(1-илова)</p>	<p>2.1. Тинглайдилар, ёзиб оладилар.</p> <p>2.2. Саволлар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирадилар.</p>
3- босқич. Асосий (120 мин.)	<p>3.1. Мавзуга оид барча маълумотларни режа асосида визуал тарзда намоийш этиш орқали баён этади.(2-илова)</p> <p>3.2. Тингловчиларни фаоллаштириш мақсадида “Рудник қандай лойихалаштирилади” саволини ўртага ташлайди ва маъruzani сухбат тарзида олиб боради.</p> <p>3.3. Берилган фикрларни танглайди, мустаҳкамлайди ва умумлаштиради.</p> <p>3.4. Экранда мавзуга оид тушунчаларни кўрсатади Тингловчиларни белгилан вақт мобайнида берилган тушунчаларнинг мазмунини ёритишга ундейди.(2-илова)</p> <p>3.5. Тингловчиларнинг жавобларини тинглайди. Тўғри жавоблар билан солиширилари сўралади. Якуний хуносалар беради. Мавзунинг асосий тушунчаларига эътибор қилишни ва ёзиб олишларини такидлайди.</p>	<p>3.1. Тинглайдилар, кўрадилар. Ёзиб оладилар.</p> <p>3.2. Саволларга жавоб берадилар ва сухбатда фаол иштирок этадилар.</p> <p>3.3. берган жавобларини қай даражада тўғри ёки нотўғри эканлигини англаб етадилар.</p> <p>3.4. Тушунчлар мазмунини олган маълумотларига таяниб, ёритишга харакат қиласдилар.</p> <p>3.5. Берган жавобларини тўғри намуна билан солиширадилар. Ўз-ўзларини баҳолайдилар. Ёзиб оладилар.</p>
4- босқич. Якуний (20мин.)	<p>4.1. Олинган ахборотларни умумлаштиради ва шарҳлайди. Пайдо бўлган саволларга жавоб беради, муҳим қўшимча ахборотни беради.</p> <p>4.2. Машғулотни якунлайди. Топшириқлар беради.</p>	<p>4.1. Тинглайдилар. Савол берадилар.</p> <p>4.2. Топшириқларни оладилар.</p>

## **Ақлий ҳужум усули**

**Ақлий ҳужум** (брейнстроминг-ақллар түзони) – амалий ёки илмий муаммолар ечиш ғоясини жавоавий юзага келтириш.

### **Ақлий ҳужум ва масалани ечиш босқичлари**

1. Мустакил фикрланг хаёлингизга келган барча ғоя, фикрларни қофозга ёзинг.
2. Барча ғоя ва фикрларни ёзинг, агар улар тақрорланаётган бўлса, махсус белги қўйинг.
3. Ғояларни баҳоланг.
4. Энг мақбул ғоя гурух ғояси сифатида шакллантиради.
5. Барча ёзилган ғоялар гурух муаммосини ечиш учун гуруҳлаштириш мумкин.

### **САВОЛЛАР**

Хозирги давр шароитида кончилик корхонасини (рудникларни) лойиҳалаш ишлари қандай йўлга қўйилган?

Лойиҳалаш ишларида тежамкорликка эришиш учун қандай тадбирлар амалга оширилмоқда?

Ўқув жараёнида лойиҳалаш ишларини қандай ташкил этяпсиз?

## ВИЗУАЛ МАТЕРИАЛЛАР

### **КОНЧИЛИК КОРХОНАЛАРИНИ ЛОЙИХАЛАШНИНГ ДОЛЗАРБЛИГИ**

Кончиллик корхонасини (рудникларни) лойиҳалаш ишлари, табиий ресурслардан рационал фойдаланишга қаратилган бўлиб, фойдали қазилмаларни қазиб олишдан, комплекс қайта ишлов бериб тайёр маҳсулот олганига қадар бўлган жараёнларни ўз ичига олади. Шунинг учун лойиҳалашда қурилиш материаллари, металл, энергия ресурсларини ва маблағларни тежаб сарфлайдиган технолгияларни қўллаш, лойиҳани техникавий даражасини юқори бўлишини ва маҳсулот сифатини ҳар томонлама ошириш талаб этилади.

**ҲОЗИРГИ ДАВРДА РУДА ТАРКИБИ МЕТАЛГА БОЙ БЎЛГАН КОНЛАР ЕР ОСТИНИ ЧУҚУР ҚАТЛАМЛАРИДА ҚОЛГАН, ШУНИНГ УЧУН УЛАРНИ ЕР ОСТИ УСУЛИДА ҚАЗИБ ОЛИШ РАНГЛИ МЕТАЛЛ КОНЛАРИДА -67% ТАШКИЛ ЭТСА, КИМЁ САНОАТИ ҲОМАШЬЁСИНИ ҚАЗИБ ОЛИШДА -50%, КЎМИРНИ -60%, КАЛИЙ ТУЗЛАРИ ДЕЯРЛИ 100% ЕР ОСТИ УСУЛИДА ҚАЗИБ ОЛИНМОҚДА. КАРЬЕРЛАРДАГИГА НИСБАТАН, ЕР ОСТИ РУДНИКЛАРИДАН ҚАЗИБ ОЛИНГАН МЕТАЛЛ МИҚДОРИ БИР НЕЧА МАРТА ОРТИҚДИР.**

**РУДНИКЛARНИ ЛОЙИХАЛАШНИ БОШ  
МАҚСАДИ ШУНДАН ИБОРАТКИ, ИМКОНИ  
БОРИЧА КАМ КАПИТАЛ МАБЛАГЛАР  
САРФЛАШ ВА ЭКСПЛУАТАЦИЯ  
ХАРАЖАТЛАРНИ ҲАМ КАМ САРФЛАГАН  
ХОЛДА, ҲАЛҚ ХҮЖАЛИГИГА ЗАРУР  
БҮЛГАН ФОЙДАЛИ ҚАЗИЛМАНИ КҮПРОҚ  
ҚАЗИБ ОЛИШНИ ОПТИМАЛ  
ҮЛЧАМЛАРИНИ ЛОЙИХАЛАШДА, ХАТОГА  
КАМРОҚ ЙҮЛ ҚҮЙИШ ИМКОНЛАРИНИ  
ҲАМ ҮРГАТИШДИР.**

**РУДНИКНИ ЛОЙИХАЛАШ - БУ ИЖОДИЙ  
ЖАРАЁН БҮЛИБ, КОН ИШЛАРИНИ  
КЕЛАЖАГИНИ ОЛДИНДАН КҮРИШГА  
ИНТИЛИШДИР. ЛОЙИХАЛАШНИ  
САМАРАДОРЛИГИ АВВАЛО УСЛУБИЙ  
КҮРСАТМАЛАРДА, ҚҮЙИЛГАН  
МАСАЛАЛАРНИ ТҮГРИ ЕЧИШ УЧУН  
УЛАРНИ ТАНЛАБ ОЛИНИШИГА БОҒЛИҚ.  
БУ КҮРСАТМА ОДАТДА ҲИСОБ  
КҮРИНИШИГА АСОСЛАНГАН ЁЗМА  
БАЁННОМА, ЧИЗМА ВА БОШҚА  
МАТЕРИАЛЛАРДАН ИБОРАТ**

**Лойиҳалашнинг меъёрий  
базаси:**

**Давлат  
стандартлари**

**ҳар ҳил  
меъёрий  
хужжатлари**

**директив  
кўрсатмалар**

**Кончилик корхонасининг лойиҳасида қўйидаги асосий  
масалалар ўз ечимини топади**

- шахта майдони доирасидаги саноат захирасини чегараси;
- йиллик қазиб чиқариш қуввати;
- шахтани хизмат қилиш муддати ва рудникни ишлаш режими; конни очиш усули, шахта майдонини ишга тайёрлаш;
- фойдали қазилмани қазиб олиш технологияси;
- қазиб олиш тизимидағи ишларни ва тайёрловчи лаҳимлар ўтказишни механизациялаштиришни ечими;
- кон транспорт воситалари ва схемаси;
- ер юзасидаги трансопрт, кўтариш қурилмаси;
- шамоллатиш, шахтадан сизод сувни чиқариш,;
- электр энергия таъминоти;
- пневматика хўжалиги, корхонани автоматик тизимда бошқариш;
- атроф муҳитни муҳофазаси, қурилишни смета нархи ва техниковий-иқтисодий кўрсаткичлари;
- меҳнат унумдорлиги, қазиб чиқарилган маҳсулотни тан нархи;
- рентабеллиги, механизация ва автоматизациялаш даражаси,;
- капитал қўйилмаларни иқтисодий самарадорлиги.

## ТУШУНЧАЛАР ТАХЛИЛИ МЕТОДИ

Ушбу интерфаол методни ўқув жараёнига татбиқ этишда гурух тингловчиларни жуфтликларга бирлашишлари талаб этилади. Ҳар бир жуфтлик учун мавзуга оид тушунчалар келтирилган жадвал шаклидаги тарқатмалар берилади ва белгиланған вақт ичида тушунчалар мазмунини ёритишлари сүралади. Вазифа бажарилғач, тушунчалар мазмуну түғри таҳлил қилинған жадвал күрсатилади ва жуфтликлар бажарған вазифа натижалари билан солиширилади. Баҳолаш мейёри асосида ўз-ўзини баҳолаш принципи қўлланилади.

Тушунчалар	Тушунчалар мазмуни	Қўшимча маълумот
<b>Рудник</b>		
<b>Шахта</b>		
<b>Карер</b>		
<b>Прийск</b>		
<b>Промисел</b>		
<b>Шпур</b>		
<b>Скважина –</b>		

Тушунчалар	Тушунчалар мазмуни	Қўшимча маълумот
<b>Рудник</b>	фойдали қазилмаларни (асосан, кўмирни) ер ости усулида қазиб чиқарувчи кончилик корхонаси	
<b>Шахта</b>	асосан металл рудалари, кон-кимёвий хом ашё ва курилиш материалларини ер ости усулида қазиб чиқарувчи кончилик корхонаси.	
<b>Карер</b>	фойдали қазилмаларни очик усулда қазиб чиқарувчи кончилик корхонаси. Разрез – кўмир қазувчи карер.	
<b>Прийск</b>	кимматбахо металларга эга бўлган сочма конларни қазиб чиқарувчи кончилик корхонаси.	
<b>Промисел</b>	суюк ва газсимон фойдали қазилмаларни қазиб чиқарувчи кончилик корхонаси (нефть промисели).	
<b>Шпур</b>	тоғ жинсларида ёки бетонда, ғиштли деворларда бурғилавчи болға ёки пармалар ёрдамида бурғилаб ҳосил қилинған цилиндрисимон, диаметри 75мм гача ва чуқурлиги 5м гача бўлган сунъий чуқурлик.	

<b>Скважина</b>	бурғилаш дастгохи ёрдамида ҳосил қилинган диаметри 75мм дан катта, чуқурлиги 5м дан ортиқ бўлган сунъий чуқурлик.	
-----------------	---	--

### **НАТИЖАНИ БАҲОЛАШ**

Айнан тўғри жавоб учун	Тўғри жавобга яқин	Қисман тўғри жавоб	Нотўғри жавоб
5 балл	4-3 балл	3-2 балл	0

**Мавзу: Конни молиявий иқтисодий баҳолаш усуллари. Руда таркибидаги метални критик баҳосини аниқлаш. (4 соат)**

### **Амалий машғулотларини ўтказиш технологияси**

<b>Машғулот вақти – 4 соат</b>	Тингловчилар сони – 15-20 та
<b>Машғулот шакли – амалий</b>	
<b>Ўқув машғулотининг вазифаси:</b>	1. Конни молиявий иқтисодий баҳолаш усуллари. 2. Руда таркибидаги метални критик баҳосини аниқлаш.
<b>Ўқув машғулотининг мақсади:</b> Конни молиявий иқтисодий баҳолаш усулларидан фойдаланиб, руда таркибидаги метални критик баҳосини аниқлаш кўникмасини шакллантириш.	
<b>Педагогик вазифалар:</b>	<b>Ўқув фаолияти натижалари:</b>
Конни молиявий иқтисодий баҳолаш усулларидан фойдаланиб, руда таркибидаги метални критик баҳосини аниқлашни ўргатиш.	Конни молиявий иқтисодий баҳолаш усуллари фойдаланган ҳолда руда таркибидаги метални критик баҳосини аниқлайди.
<b>Ўқитишиш воситалари</b>	ЎУМ, компьютер, проектор, слайдлари.
<b>Ўқитишиш усуллари</b>	Амалий машқ методи.
<b>Ўқитишиш шакллари</b>	Якка тартибда
<b>Ўқитишиш шароити</b>	компьютер, проектор билан жиҳозланган аудитория
<b>Мониторинг ва баҳолаш</b>	Оғзаки сўров

## Амалий машғулотларининг технологик харитаси

<b>Фаолият босқичлари</b>	<b>Фаолият мазмуни</b>	
<b>1-босқич.</b> Тайёргарлик босқичи	<b>Ўқитувчининг</b>	Тингловчиларнинг
	<p>1.1. Мавзу бўйича машғулот мазмунини тайёрлайди.</p> <p>1.2. Амалиёт машғулотини ўтказиш учун аудиторияда керакли шартшароитлар яратади.</p> <p>1.3. Ўқув модулини ўргатишида фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати тайёрлайди.</p>	
<b>2-босқич</b> Мавзуга кириш (20 мин)	<p>2.1. Ўқув машғулоти мавзу номи, мақсади ва ўқув фаолияти натижаларини эълон қиласди, унинг аҳамияти ва долзарблигини асослайди.</p> <p>2.2. Ўқув машғулоти мавзу режаси, фойдаланилган адабиётлар билан таништиради</p>	<p>Тинглайдилар.</p> <p>Тинглайдилар ва ёзиб оладилар</p>
<b>2-босқич.</b> Асосий бўлим (120 мин)	<p>3.1. Амалий машғулот учун танланган мавзу эълон қилинади.</p> <p>Мавзуга оид топшириқли машқлар тарқатади ва вақт белгилайди.</p> <p>Берилган топшириқларни бажарилишини таҳлил қиласди.</p> <p>Мавзуни мустаҳкамлайди.</p> <p>3.2..Ҳар бир тингловчидаги олинган билим асосида амалий кўникма шакллантириши мақсадида уларни техник воситалар билан таъминлайди.</p> <p>Берилган топшириқларни бажарилиши-ни назорат қиласди ва маслаҳатлар берабор боради.</p> <p>Кузатади, ютуқ ва камчиликларни қайд килиб боради. Топшириқнинг бажарилишини «Баҳолаш варакаси»га қайд килиб боради.</p> <p>3.3. Тингловчилар томонидан берилган саволларга жавоб беради ва умумлаштирувчи хулоса беради.</p> <p>3.4. Тингловчиларнинг мавзуга оид фикрларини шарҳлайди, хулосаларга эътибор беради, аниқлик киритади.</p>	<p>3.1. Тинглайдилар ва дафтарга ёзиб оладилар</p> <p>3.2. амалий бажариш учун тарқатилган машқларни мустақил равища бажаришга киришадилар.</p> <p>Техник воситалардан фойдаланадилар</p> <p>Мавзу юзасидан олган билимларини текширадилар,</p> <p>баҳолайдилар, ва мустахкамлайдилар.</p> <p>3.3. Мавзуга оид саволлар берадилар.</p> <p>3.4. Тинглайдилар, хулоса чиқарадилар.</p>

4-босқич. Якунловчи (20-мин)	4.1.Машғулот бўйича якунловчи хуносалар қиласди. 4.2. Тингловчилар фаолиятини баҳолайди. 4.3.Кейинги мазву бўйича тайёрланиб келиш учун саволлар беради.	Тинглайдилар.  Топшириқни оладилар.
------------------------------------	--	---

### АМАЛИЙ МАШҚ МЕТОДИ

Ушбу метод назарий билимларни мустахкамлаш жараёнларида, амалий қўнималар шакллантиришга қаратилган машғулотларда қўлланилади. Методни гурухларга бўлиб ёки якка тартибда ишлаш шаклларида амалга ошириш мумкин. Мавзуга оид машқлар тарқатилади. Машқларни бажарилиши назорат қилинади. Бажарилган машқлар гурҳ билан биргаликда муҳокама қилинади. Тўғри хуносалар чиқарилади. Машқларнинг бажарилиши белгиланган мезонлар асосида амалга оширилади.

*(1-илюва)*

#### АМАЛИЁТ №1,2

**Конни молиявий иқтисодий баҳолаш усуллари. Руда таркибидағи метални критик баҳосини аниқлаш.**

*(2-илюва)*

### ТОПШИРИҚЛИ МАШҚЛАР

#### **1. Конни молиявий иқтисодий нұқтаи назаридан баҳолаш усуллари.**

1. Фойдали қазилма конини ер ости усулида қазиб олишни молиявий-иқтисодий усулининг моҳияти бозор иқтисодиёти шароитида қўлланилиши ДЖ.Х. Хиллининг қуйидаги руда кони лойихасини геологик иқтисодий жиҳатдан баҳолаш асарида келтирган. Лондон 1993 й.

а) Олтин конини ер ости усулида қазиб олиш

1	Геологик заҳираси	Линзасимон иккита руда кони унинг таркибидағи металл 7,6г/т ер томир 85% кварцдан ва 15% пиритдан ташкил топган	2,76 млн тонна
2	Руда танасини ўлчамлари	900x25x230 м	Ҳажм оғирлиги 3,0т/м <sup>3</sup>
3	Рудани саноат заҳираси	2,76 млн тонна 85% дан	2,35 млн/т

**б) рудани қазиб олиш**

4	Руда таркибидаги металл	Бойитилган участкаси йүқ	5,7г/т
5	Йиллик қазиб олиш даражаси	Рудникни 6 йил ишлатиш давомида	390000т/йил
6	қазиб олиш жараёнида рудани сифатини йүқотилиши	Рудали ҳудудида 10% рудасиз жинслар	40000 т/йил
7	Майдаланган руда ва жинслар ҳажми	Жинсларда металл түлиқ йүқ деб тахмин қилинади	43000 т/йил
8	Металл бор рудани сифатсизланиши	7,5 г/т (10%)	6,82 г/т
9	қазиб олиш жараёнида металлни йүқотилиши	5%	6,48г/т
10	Чиқиндиларда	қазиб олингандан 2% деб қабул қилинади руда+пуч жинслар	10000 т/йил 1340 т/сутка

**Бойитиш жараёнида**

11	Руда таркибидаги бошланғич металл миқори.	Фабрикага қайта ишлашга бериладиган хом-ашъёнинг таркибидаги металл миқдори	6,48 г/т
12	Ажратиб олинадиган металл миқдори	Ажратиб олиниш даражаси 92%	5,96 г/т
13	Бойитиш фабрикасини йиллик ишлаб чиқариш қувати	Рудани сифат йүқотилишини қайта ҳисобланганида	0,43 млн/т
14	Ажратиб олинадиган олтин	430000т x 5,94г/т 31,103	82500 унция
15	Бойитиш фабрикасидаги йиллик иш куни.	365 кундан, 90%	328 кун
16	Фабрикани суткалик иш унумдорлиги	430000 т/328	1312 т/сутка
17	руда ва жинсларни қайта ишланадиган умумий ҳажми	0,43 млн т/йил x 6 йил	2,58 млн/тонна
18	оғдармага жүнатилган руда ва жинсларни	0,43+0,01x6 йил	2,65 млн/тонна

	умумий ҳажми		
19	Рудникни эксплуатация муддати	2,35 млн т/0,39 млн т/йил	6 йил

Капитал қўйилмалар ва ишлаб чиқариш ҳаражатлари

20	Капитал қўйилмалар (лойиҳалашга, ускуналар сотиб олишга, қурилиш, бошқариш)ишлаб турган ускуналарни қайта жиҳозлаш ёки таъмирлаш	Банқдан заём олиш (қарз олиш)     	15 млн Долл.  1,00  10,00
	Айланма капитал	2-ойлик муддатга	4,00
		жами	15,00
21	Ишлаб чиқариш ҳаражатлари - қазиб чиқариш (руда ва руда эмас жинслар) 1340 т/сутка Бойитиш 1312 т/сутка Табиатни муҳофазалаш устама ҳаражатлар 10%	Асос қилиб Канададаги 1992 йилги маълумотлар олинди 3 та рудниқда 1150+600 г/сутка 30,90 долл/т. 6 та рудниқда 1200 т/сутка 13,50 долл/т	Доллар/т  33,00 16,00 0,5 4,95
		Жами	
		йириклиштирилган	55,6 доллар/т
22	Йиллик ишлаб чиқариш ҳаражатлари ҳисоблаганида рудникни йиллик ишлаб чиқариш ҳаражатлари 1 унция учун сарфланган ҳаражатлари	55 долл/т x 0,43млн т  23,65 млн долл/82500 унция	23,65 млн долл  287 долл/унц ия
23	Айланма капитал... Ишлаб чиқариш ҳаражатлари (йиллик)	55 доллар/т* 0,43 млн т	23,65 млн доллар

	Ишлаб чиқариш харажатлар (ойлик)						197 млн доллар
	Ишлаб чиқариш харажатлари (2ойга)	айланма капитал					3,94 млн доллар
24	Олтинни нархи ва даромад.	5,96 г/т					
	Ажратиб олинадиган металл микдори.	-5%	+5%	+5%	10%	15%	-
	Олтинни нархи (доллар / функция).	121	338	355	372	390	-
	Олтинни нархи (доллар/г)	10,32	10,87	11,41	11,95	12,54	-
	Даромад доллар/тонна.	61,51	64,74	68,00	71,22	74,74	
	Даромад млн долл/йил.	26,45	27,86	29,24	30,62	32,14	
25	3,5 йиллик қарзлар тўлови	1	2	3	4	Йифиндиси	
	15 млн доллар 10% бўлганида	Йиллар					
	умумий йифиндиси 3,5йил давомидаги тўловлар.	5,6 45	5,227	4,801	2.247	17,926	
	Асосий қарзлар	4.2 85	4.286	4.286	2.143	15,001	
	Асосий қарзларнинг процент тўлови	1,3 59	0.941	0.515	0.104	2,919	
26	Фойда, олтинни нархи 390 доллар/унция june1994 г.						
	Йиллар	1	2	3	4	5	6
1	қазилган руда (млн.т)	0,43	0,43	0,43	0,43	0,43	0,43

2	Ажратиб олинган металл (г/т)	5,96	5,96	5,96	5,96	5,96	5,96
3	Даромад (млн долл)	32,14	32,14	32,14	32,14	32,14	32,14
4	Ишлаб чиқариш харажатлари (млн.доллар)	23,65	23,65	23,65	23,65	23,65	23,65
5	Ишлаб чиқариш фойдаси (млн.доллар)	8,49	8,49	8,49	8,49	8,49	8,49
6	Банкдан олинган қарзлар (15 млн.долл)	4,29	4,29	4,29	2,14	-	-
7	Пул оқими (NC) Млн.долл	2,84	3,26	3,68	6,25	8,49	8,49
27	Хозирги даврдаги соф нархи (NPV) ҳисобланадиган миқдори 20%						
	Йиллар	1	2	3	4	5	6
	Солиқ түлагунича бўлган соф фойда	2.84	3.26	3.68	6.25	8.49	8.49
	Дисконтираш коэффициенти (20%)	0.833 3	0.6444	0.5787	0.4823	0.4019	0.33 49
	Дисконтиранган пул оқими (DCF)	2.17	2.26	2.13	3.01	3.41	2.84
Жами							
$\sum 16.02$							
$NPU (20\%) = \sum (q^4 * Nc) - (\text{капитал харажатлар}) = 16.02 - 15 = 1.02$							
NPV = +1.02 млн долл.							

## 2. Махсулотни критик танинархини ва унинг таркибини аниқлаш.

28. Харажатларни қоплаш даврлари, олинган умумий фойда ҳисобидан ҳисоб китоб қилинади.

3-иш йилини охиридаги қарз қолдиги- 5.22 млн долл. ,шундай қилиб түртінчи йили 6.25 млн.долл. фойда олади. Тұлиқ сўндириш учун қолган қарзларни 4-йилнинг бир қисми керак бўлади.  $5.22:6.25=0.84=10$ ой.

Шундай қилиб сарфланган харажатларни 3 йил-у 10 ойда қопланар экан.

Йил	Ички фойда меъёrlари					
	1	2	3	4	5	6
Соф фойда (NC)	2.84	3.26	3.68	6.25	8.49	8.49
Дисконтирулыш коэффициенти (20%)	0.8333	0.6944	0.5787	0.4823	0.4019	0.3349
Пул оқимини дисконтирулыш (DCF)	2.37	2.26	2.13	3.01	3.41	2.84
жами	$\sum 16.02$					
Дисконтирулыш коэффициенти 30%	0.7692	0.5917	0.4552	0.3501	0.2693	0.2072
Пул оқимини дисконтирулыш (DCF)	2.18	1.93	1.68	2.19	2.29	1.76
Жами	$\sum 12.03$					

$$\text{DCF-капитал харажатлар} - \sum (q^4 - NC)$$

$$20\% \quad 15-16.02 = -1.02$$


$$10\% \quad 15-12.03 = +2.97$$

Шундай қилиб фойданы ички меъёри 20% ва 30% ўртасида экан.

$$\frac{\text{ капитал харажатлар} - DCF(30\%)}{DCF(20\% - DCF(30\%))} \times (30 - 20) = \frac{15 - 12.03}{16.02 - 12.03} \times 10 = 7.4$$

$$JRR = 30 - 7.4 = 22.6$$

График усулдан фойдаланиб, топамиз



Түғри чизик ab «х» ўқини C=22.6% нұқтасида кесиб ўтади. Бу нұқта учун NPV=0, яъни ички фойда меъёри JRR=22.6% дисконтироват этилган пул оқимини йиғиндиси фақат инвестициянигина қоплады.

2. Товар маҳсулотни ишлаб чиқариш ҳажми, шу ҳажмда ишласа корхона заары күрмасдан ишлаши тамиланади, бундай чегарага критик ҳажми дейилади.

Критик ҳажмидаги товар маҳсулоти бирлигини ишлаб чиқаришга сарфлаган харажатлари унинг критик таннархи дейилади.

Маҳсулот бирлигини критик таннархи ( $C_{kp}$ ) қуйидаги формула билан аниқланади

$$C_{kp} = \frac{\Pi_{kp}}{A}$$

Бу ерда  $\Pi_{kp}$ -kritик ҳажмда ишлаб чиқаришга сарфланадиган харажатлар.

А-рудникни йиллик ишлаб чиқариш (қазиб чиқариш) қуввати.

Мисол 1. Критик ҳажмдаги ишлаб чиқариш харажатлари.

Эксплуатация харажатлари .....	60 млн.долл.
Амортизация .....	10 млн.долл.
даромад солиги (роялти) .....	20 млн.долл.
жами .....	90 млн.долл.

A=2.5млн. тонна /йил

$$C_{kp} = \frac{90000000}{2500000} = 36 \text{ долл/т};$$

Маҳсулот таркибидаги ҳамма металларни, шартли металл таркибига келтириш керак, масалан рухни, яъни рухни таркибини ZnE эквивалент таркибига.

Мисол 2. Оддий руда таркибіда 7% рух Zn ва 3% қўрғошин Pb бўлганида, металлни нарҳи Zn-0.51 долл/фунт, Pb-0.32 долл/фунт, ажратиб олиниши Zn-90%, Pb -90%, оддий руда таркибидаги ҳар бир фунт Pb, -дан рудник  $0.32 * 0.9 = 0.29$  долл/фунт олади. Ҳар бир фунт Zn мавжуд бўлган оддий руда таркибидаги металлдан рудник  $0.51 * 0.9 = 0.46$  дол/фунт олади. Қўрғошинни Pb, рухни ZnE эквивалент ўтказиш коэффициенти.

$$K_i = \frac{0.29}{0.46} = 0.63$$

у ҳолда ZnE - % Zn+0.63% Pb.

Металлни рудадаги критик таркиби ўлчамини билиш учун унинг бир тоннасини критик таннархини миқдори ва соғ даромадни аниқлаш учун

(металлургия саноатида қайта ишланганидан кейинги қайтарилган маблағни) соф даромадни хисоблаш формуласи қўлланилади. (Net Smelter Return-NSP)

Металл таркибини критик микдорини ( $r$ ) қуйидаги формула билан аниқланади.

$$r = \frac{C_{kp}}{K * \varepsilon * \Pi_M * NF};$$

Бу ерда  $C_{kp}$ -kritik таннархи, долл/т.

$K=22.046$  айлантириш (ўтказиш) коэффициенти (металл нарҳи долл/фунтда, бир тонна рудадаги 1 % металлни нарҳига  $\frac{10\text{кг}(1\%)}{0.4536}$ , 1 фунт= 0.4536кг).

$\varepsilon$  - фабрикада рудадан металлни ажратиб олиш коэффициенти, %:

$\Pi_M$ - металлни нарҳи, долл/фунт;

$NSR=NF$ - соф даромад коэффициенти, %;

Мисол №3: Берилган  $NF=50\%$ ;  $\varepsilon=90\%$ ;


$\Pi_M=\Pi_{Zn}=0.51$  долл/фунт,  $C_{kp}=36$  долл/т.

$$r = \frac{36}{22,046 \cdot 0,9 \cdot 0,51 \cdot 0,5} = 7,1\% \text{ Zn};$$


Шундай қилиб, металлни критик ўлчами 7.1% рухни (Zn) критик таннарҳига мос келади, шундай ҳолатда ишласа корхона ишлаб чиқарган товар маҳсулотини сотишдан корхона зарар кўрмай ишлаш таъминланади.

3. Ички меъёрий рентабеллик (Sternal Rate of Return - SRR) – капитал қўйилмаларни самарадорлигини белгиловчи ўлчамдир, яъни фойда олиш меъёри ҳисобланади.

Эмпирик эгри чизиқ капитал қўйилмани (K) ва ишлаб чиқариш харажатлари ( $\Pi$ ) ни, рудникни йиллик ишлаб чиқариш (қазиб чиқариш) қуввати (A) ўзгариши даражали функция тенгламаси кўринишида бўлиб, ( $K = aA^2$ ) ва қуйидаги кўринишига эга бўлади.



расм 2.



расм .3.

Минимал ички рентабеллик мөнгөнин таъминлаш учун руда таркибидаги талаб этиладиган металл миқдорини аниқлаш усули – JRR (фойда мөнгө) ни қуидаги мисолда кўрсатиш мумкин:

Мисол-1: A=60000 т/йилига; K=J=13 млн. долл. П=94 долл/т; JRR=15% (пессимистик вариант) JRR=20% (умумий холатда) ва JRR=25% (оптимистик вариант);

Рудникни эксплуатация қилиш муддати t=9 йил.

Ечими:

1. Фойда олишни таъминлаш учун йиллик пул оқими аниқланади 20% ва 25%, JRR= 15%;

Формула  $J=OP b_n$  (4.13)

Бу ерда  $J$  – капитал қўйилмалар миқдори

$OP$  – йиллик (ялпи) фойда-пул оқими,

$b_n$  – Ҳар йиллик тушумни ҳозирги давр коэффициенти (рента коэффициенти – аннуитети)

$$b_n = \frac{(1+t)^t - 1}{(1+t)^t * (1+t) - 1};$$

Бу ерда  $i$  - дисконтираш ставкаси;

$t$  - рудникни хизмат қилиш муддати, йил;

Формула (4.13) дан қуидагиларни топамиз.

$$OP = \frac{J}{b_n};$$

JRR – 15%, 20%,	}	9 йил	25%
$b_n$ – 4.772, 4.032,			3.464

OP яқинида JRR=15%  $OP=13.0/4.772=2.72$  млн. долл.

OP яқинида JRR=20%  $OP=13.0/4.031=3.23$  млн. долл.

OP яқинида JRR=25%  $OP=13.0/3.463=3.75$  млн. долл.

2. Жами даромадларни аниқлаш (Revenue-Rev) яъни зурур бўлган ялпи даромад билан ишлаб чиқаришни Operating Profil-ОП таъмирлаш учун ва эксплуатация харажатларининг қоплаш учун (Operating COST – OP<sub>c</sub>)

$OP_i$ =таннажи/т x рудникнинг йиллик ишлаб чиқариш қуввати т/йилга бу тенг бўлади= $94 \cdot 60000=5.64$  млн долл.

Керак бўлган даромадлар йигиндисига (маҳсулотни йилик қиймати) тенг.

Эксплуатация харажатлари ( $OP_t$ )+ялпи фойда (OP).

Умумий даромад қуидагиларни ташкил этади.

JRR=15% бўлганида  $R_{ev}=5.64+2.72=8.86$  млн долл.

JRR=20% бўлганида  $R_{ev}=5.64+3.23=8.87$  млн долл.

JRR=25% бўлганида  $R_{ev}=5.64+3.75=9.39$  млн долл.

3. Энди руда таркибидаги металлни ҳисоблаб аниқлаш керак:

Масалан, JRR наминалини фақат олтин қониқтиради.

Олтинни нарҳи 370 долл/унция; ажратиб олиниши 90 %.

Даромад формуласи ( $Rev$ )

$$R_{ev} = \frac{Au \text{ г/м} \times \text{ажратиб олиши} \times \text{корхонани иш унумдорлиги, т/йил} \times \text{олтин} \text{ Au нархига}}{\text{унцияга айлантириши коэффициенти граммда}}$$

$$R_{ev} = \frac{G_{\mathcal{D}} \times 0.9 \times 60000 \times 370}{31,1013}$$

Бу ерда  $C_{\mathcal{D}}$ -руда таркибидаги металл миқдори, г/т; формула (4.16)дан қуидагини топамиз

$$G_{\mathcal{D}} = \frac{R_{ev} \times 31.1013}{0.9 \times 60000 \times 370} = \frac{R_{ev} \times 31.1}{19.98 \text{ млн}};$$

Руда таркибида бўлиши зарур бўлган талаб этилган олтин миқдори:

JRR=15% бўлганида  $8.36 \times 31.1 / 19.98 = 13.0$  г/т;

JRR=20% бўлганида  $8.87 \times 31.1 / 19.98 = 13.9$  г/т;

JRR=25% бўлганида  $9.39 \times 31.1 / 19.98 = 14.6$  г/т;

Рудникни ишлаб чиқариш қуввати бошқа қийматда бўлганида талаб этилган руда таркибидаги металл ва унинг 1 т таннарҳи худди юқорида келтирилган мисолдагидек хисобланади.

2. Умумий даромад ( $R_{ev}$ ) керак бўлган ялпи фойда билан таъминлаш учун ( $OP$ ) ва эксплуатацион харажатларни қоплаш  $OP_c/\text{т}$ , қуидагини ташкил этади.

$OP_c$ =тонна/нарҳи х ишлаб чиқариш унумдорлигига  $=86 \times 80000 = 6.88$  млн долл.

Талаб этилган даромад миқдори қуидагича бўлади.

ёки

JRR=15%  $Rev = 6.88 + 2.93 = 9.81$  млн долл;

JRR=20%  $Rev = 6.88 + 3.47 = 10.35$  млн долл;

JRR=25%  $Rev = 6.88 + 4.04 = 10.92$  млн долл;

3. Даромад формуласи ( $Rev$ ) қуидаги кўринишга эга бўлади.

$$(G_{\mathcal{D}}(\text{г/т}) \times \text{ажратиб олиш даражаси} \times \text{ишлаб чиқариш унумдорлиги} \times \text{* т/йил} \times \text{олтинни нархига})$$

$$R_{ev} = \frac{\text{унцияни грамга ўтказиш коэффициенти}}{}$$

$$Rev = \frac{C_d \times 0,9 \times 80000 \times 370}{31,1} = G_d \times 0,857 \text{ млн/долл}$$

$$\text{Бундан } G_d = \frac{Rev}{0.857};$$

$$JRR=15\% \text{ бўлганда } G_d(\text{г/т}) = 9.81/0.857 = 11.4 \text{ г/т};$$

$$JRR=20\% \text{ бўлганда } G_d(\text{г/т}) = 10.35/0.857 = 12.1 \text{ г/т};$$

$$JRR=25\% \text{ бўлганда } G_d(\text{г/т}) = 10.92/0.857 = 12.7 \text{ г/т};$$

Рудникни ишлаб чиқариш қуввати (1000 т/йил, 200000 т/йил) ва 1 т рудан нарҳи тегишлиги 105 ва 80 долл/т бўлганида руда таркибидаги талаб этилган металл (олтин) таннархи юқоридаги хисоблаш усулларига ўхшаб аниқланади.

### **3. Ички минимал меъёрий рентабелликни таъминлаш учун талаб этиладиган руда таркибидаги металлни аниқлаш.**

**Иқтисодий қўрсаткичлари**

Бошланғич маълуотлар	Рудникни йиллик қазиб чиқариш унумдорлиги т/йил	Капитал харажатла р миқдори млн. долл	Эксплуатация харажатлари млн долл.	Ишлаш муддат и (йил)	Олтинни “Au” нарҳи долл/унция си
1	10000	7	105	5	370
2	60000	3	94	9	370
3	80000	14	86	9	370
4	200000	16	80	9	370

Бошланғич маълумотлар	JRR <sub>y</sub> %	Ялпи фойда ОР, млн долл	Даромад Rev млн долл	Руда таркибидаги металл миқдори G <sub>d</sub> г/т
10000 т/йил	15	2.09	3.14	29.3
	20	2.34	3.39	31.7
	25	2.60	3.65	34.1
60000 т/йил	15	2.72	8.36	13.0
	20	3.23	8.87	13.8
	25	3.75	9.39	14.6
(3)	15	2.93	9.81	11.4

80000 т/йил	20	3.47	10.35	12.1
	25	4.04	10.92	12.7
(4)	15	3.35	19.35	9.0
	20	3.97	19.97	9.3
200000 т/йил	25	4.62	20.62	9.6

**Мавзу:Шахта ва рудникларни қуриш ёки ишлаб турғанларни қайта жиҳозлашини лойиҳалашда капитал бозорида қўлланилаётган молиявий ҳисобларни қўллаш усулларини ҳисоблаш (4 соат)**

## **АМАЛИЙ МАШГУЛОТЛАРИНИ ЎТКАЗИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

<b>Машғулот вақти – 4 соат</b> <b>Машғулот шакли – амалий</b>	<b>Тингловчилар сони – 15-20 та</b>
<b>Ўқув машғулотининг вазифаси:</b>	1.Шахта ва рудникларни қуриш ёки ишлаб турғанларни қайта жиҳозлашини лойиҳалаш. 2.Капитал бозорида қўлланилаётган молиявий ҳисобларни қўллашда замонавий усуллардан фойдаланиш.
<b>Ўқув машғулотининг мақсади:</b> Шахта ва рудникларни қуриш ёки ишлаб турғанларни қайта жиҳозлашини лойиҳалашда капитал бозорида қўлланилаётган молиявий ҳисобларни қўллаш усулларини ҳисоблаш.	
<b>Педагогик вазифалар:</b> Шахта ва рудникларни қуриш ёки ишлаб турғанларни қайта жиҳозлашини лойиҳалашда капитал бозорида қўлланилаётган молиявий ҳисобларни қўллаш усулларини ҳисоблаш буйича кўнкимларини шакллантириш	<b>Ўқув фаолияти натижалари:</b> .Шахта ва рудникларни қуриш ёки ишлаб турғанларни қайта жиҳозлашини лойиҳалашда капитал бозорида қўлланилаётган молиявий ҳисобларни қўллаш усулларини ҳисоблаш буйича кўнкимлари шаклланади.
<b>Ўқитиш воситалари</b>	ЎУМ, компьютер, проектор, слайдлари.
<b>Ўқитиш усуллари</b>	Амалий машқ методи
<b>Ўқитиш шакллари</b>	Якка тартибда
<b>Ўқитиш шароити</b>	компьютер, проектор билан жиҳозланган аудитория
<b>Мониторинг ва баҳолаш</b>	Оғзаки сўров

## Амалий машғулотларининг технологик харитаси

<b>Фаолият босқичлари</b>	<b>Фаолият мазмуни</b>	
1-босқич. Тайёргарлик босқичи	<b>Ўқитувчининг</b> 1.1. Мавзу бўйича машғулот мазмунини тайёрлайди. 1.2. Амалиёт машғулотини ўtkазиш учун аудиторияда керакли шарт-шароитлар яратади. 1.3. Ўқув модулини ўргатишида фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати тайёрлайди.	Тингловчиларнинг
2-босқич Мавзуга кириш (20 мин)	2.1. Ўқув машғулоти мавзу номи, мақсади ва ўқув фаолияти натижаларини эълон қиласди, унинг аҳамияти ва долзарблигини асослайди.. 2.2. Ўқув машғулоти мавзу режаси, фойдаланилган адабиётлар билан таништиради	Тинглайдилар.  Тинглайдилар ва ёзиб оладилар
2-босқич. Асосий бўлим (120 мин)	3.1. Амалий машғулот учун танланган мавзу эълон қилинади. Мавзуга оид топшириқли машқлар тарқатади ва вақт белгилайди. Берилган топшириқларни бажарилишини таҳлил қиласди. Мавзуни мустаҳкамлайди. 3.2. Хар бир тингловчида олинган билим асосида амалий кўникма шакллантириш мақсадида уларни техник воситалар билан таъминлайди. Берилган топшириқларни бажарилишини назорат қиласди ва маслаҳатлар бериб боради. Кузатади, ютуқ ва камчиликларни қайд қилиб боради. Топшириқнинг бажарилишини «Баҳолаш варақаси»га қайд қилиб боради. 3.3. Тингловчилар томонидан берилган саволларга жавоб беради ва умумлаштирувчи хulosса беради. 3.4. Тингловчиларнинг мавзуга оид фикрларини шарҳлайди, хulosаларга эътибор беради, аниқлик киритади.	3.1. Тинглайдилар ва дафтарга ёзиб оладилар  3.2. амалий бажариш учун тарқатилган машқларни мустақил равишида бажаришга киришадилар. Техник воситалардан фойдаланадилар Мавзу юзасидан олган билимларини текширадилар, баҳолайдилар, ва мустахкамлайдилар.  3.3. Мавзуга оид саволлар берадилар.  3.4. Тинглайдилар, хulosча чиқарадилар.

4-босқич. Якунловчи (20-мин)	4.1.Машғулот бўйича якунловчи хуросалар қиласди. 4.2. Тингловчилар фаолиятини баҳолайди. 4.3.Кейинги мазву бўйича тайёрланиб келиш учун саволлар беради.	Тинглайдилар. Топшириқни оладилар.
------------------------------------	--	---------------------------------------

**(1-илова)**

## **АМАЛИЙ МАШҚ МЕТОДИ**

### **АМАЛИЙ МАШҚ МЕТОДИ**

Ушбу метод назарий билимларни мустаҳкамлаш жараёнларида, амалий кўниммалар шакллантиришга қаратилган машғулотларда қўлланилади. Методни гурӯхларга бўлиб ёки якка тартибда ишлаш шаклларида амалга ошириш мумкин. Мавзуга оид машқлар тарқатилади. Машқларни бажарилиши назорат қилинади. Бажарилган машқлар гурӯ билан биргаликда муҳокама қилинади. Тўғри хуросалар чиқарилади. Машқларнинг бажарилиши белгиланган мезонлар асосида амалга оширилади.

**(2-илова)**

### **Амалиёт №3,4**

#### **Топшириқли машқлар**

**Шахта ва рудникларни қуриш ёки ишлаб турганларни қайта жиҳозлашини лойиҳалашда капитал бозорида қўлланилаётган молиявий ҳисобларни қўллаш усулларини ҳисоблаш**

2. 1. Облигация – Бу компания ёки ҳукумат идоралари томонидан чиқарилган қимматли қоғоздаги, қарз мажбурияти. Облигацияни сотишдан тушган маблағни компания ишлаб чиқаришга ҳаражат қилиб уни ривожлантиришга сарфлашни режалайди. Бу компанияга нафақат белгиланган муддатда олинган қарзни маълум миқдоридан процент маблағни тўлаш имкониятига эга бўлади.

Номинал қиммати - облигацияда кўрсатилган қиммати бўлиб, компания шу қимматдаги қарзни тўлаб боради.

Қарздан қутулиш муддати - бу шу муддатки, белгиланган давр ўтгунича компания ўз акцияларини номинал нархда қайтариб сотиб олиши керак.

Купонли тўлов–бу облигацияга эгалик қилувчига тўланадиган процент ставкаси, унинг номинал қимматидан бундай тўлов миқдори, облигация нархини сўндиргунича мунтазам тўлаб борилади. Масалан, ҳар бир

облигацияни номинал қиммати 25 000 сүмга тенг. Агар компания ҳар йили бир акция учун 8750 сүмдан түлаб борса, у дегани облигацияни купонли проценти 35 % га тенг.

### Облигациянинг бозор нархи

Облигация билан боғлиқ бўлган пул оқимини схема бўйича қуидаги кўринишга эга бўлиши мумкин.



Бу ерда  $t$  – облигацияни қолган қисми сўндирилганича купон сонига тўланган тўлов миқдори;

$FV$  – облигацияни номинал қиммати, уни сўндириш вақтида эгасига тўланадиган миқдори;

$PMT$  – купон тўлови;

$K$ - ушбу облигация учун тўланадиган процентни бозор ставкаси.

1. Мисол. Номинал қиммати 50 000 сўм бўлган, 10 йиллик муддатда сўндириш шарти билан облигация чиқарилиб, унинг процент ставкаси 45%, яъни ҳар йили, ҳар бир облигацияга 22 500 сўм тўланади.

Облигация чиқарилганидан уч йил ўтганидан сўнг унинг бозор нархини аниқланг, агар шу моментга келиб облигацияни бозор процентини ставкаси 47 % ташкил этса.

Ечими: Қийматларини жой – жойига қўйиб  $t = 7$  йил,  $i = 0,47$ ,  $PMT = 22500$ ;  $FV = 50000$ ; дисконтирашнинг иккита формуласига қўйиб топамиз, яъни

$$PV = FV / (1 + i)^t \text{ - дисконтираш формудаси;}$$

$$PV = \frac{PMT}{i} \left[ 1 - \frac{1}{(1 + i)^t} \right] \text{ - дисконтираш формуласи аннуитетнинг жорий нархи учун.}$$

Ушбу формулада ҳисоблаб қуидагига эга бўламиз:  $PV = 1061,20$ ;  $PV = 46856,30$ ; булар қўшилганида облигацияни бозор баҳосини йифиндисини беради  $PV = 47917$  ўсі;

2. Тўлов фонди. Ҳар қандай облигациянинг эгаси жисмоний шахсми, юридик шахсми бундан қатъий назар облигация қиймати ўз вақтида тўланиши кафолатланган бўлишини ҳохлади. Бундай вазифа, тўлов фондининг мавжудлиги билан кафолатланади.

Түлов фонди ғояси шундан иборатки компания – эмитент томонидан банкда эмиссия облигацияси билан бир вактда махсус ҳисоб рақами очади, компания қарз миқдорни сўндириш (тўлаш) муддатига қадар облигация нархига тенг миқдордаги маблағни, ҳар ой тенг миқдорда түлов фондига ўтказиб боради. Демак, түлов муддати келгунича махсус ҳисоб рақамда облигацияларни қимматига тенг маблағ тўпланади. Бу маблағ облигация қимматани тўлиқ сўндириб эгасига тўлашга хизмат қиласди.

Ҳар йиллик түлов ўлчамини ҳисоблаш қуйидаги тенглик формула (2.4.) билан ҳисобланади.

$$FV = \frac{PMT}{i} [(1+i)^t - 1] \quad \text{кўринишида}$$

$$PMT = FV \frac{i}{(1+i)^t - 1};$$

2. Мисол. Компания нархи 500 доллар бўлган 10 000 дона облигация чиқарди. Облигацияни сўндириш муддати 8 йилга тенг. Купон ставкаси 10% купон тўлови йилига бир марта амалга оширилади.

Облигация чиқариш билан бир вактда банкда түлов фондини ҳисоб рақами ҳам очилади. Шу ҳисоб рақамга облигацияга тўланадиган маблағини 12% ставка миқдорида йилига маблағ ўтказиб борилади.

Ўз облигациясига хизмат қилиш учун ҳар ярим йилда шу ҳисобдаги маблағдан қанчасини сарфлаш мумкин.

Ечими: Компанияни йиллик тўлови икки қисмдан иборат бўлиб, биринчиси акция эгаларига купон тўлови ва иккинчиси тўлов фондига. Купон тўлови облигацияни номинал нархидан 10 % ташкил этади.

$$10000 \cdot 500 \cdot 0,1 = 500000 \text{ долл.}$$

Ҳар йили кафолатланган тўлов фондига ўтказиладиган маблағ миқдори, (2.4) формулага мувофиқ қабул қилинган қиймати учун  $t = 8$ ;  $i = 0,12$ ;  $FV=500000$  бўлганида:

$$PMT = 5000000 \frac{0,12}{(1+0,12)^8 - 1} = 406449 \text{ долл.}$$

Жавоб: Ҳар йилги биргалиқдаги умумий тўлов миқдори қуйидагига тенг

$$500000 + 406449 = 906449 \text{ долл.}$$

### 3. Купонсиз ва муддати чекланмаган акция

3. Мисол. Икки йиллик облигация дисконтсиз (купонсиз) чиқарилган. Облигациянинг номинал қиммати 30000 сўмга тенг бўлиб, чиқарилганидан сўнг жуда тез сотилди, нархи 14468 сўм. Облигация чиқарилганидан сўнг бир

йил ўтганидан кейин, ушбу акциянинг процент ставкаси шу вақт ичиде 3% тушиб кетди.

Ечими аввал облигацияни чиқарган вақтдаги процент ставкасини, (2.2.) тенгламага мувофиқ топамиз.

$$t = 2, \quad PV = 14468, \quad FV = 30000 \quad i = ?$$

$$FV = PV(1+i)^t; \quad 30000 = 14468(1+i)^2 = 144688 \cdot (1+2i+i^2), \quad i = 0,44$$

Демак облигация чиқарилган моментда дисконти билан 44% сотилган. Бир йилдан сўнг процент ставкаси 3% камайган (ёки тушиб кетган), у ҳолда  $44 - 3 = 41\%$  ва облигацияни бозор нархи қуидагича бўлади:

$$PV = FV / (1+i)^t; \quad PV = 30000 / (1+0,41)^{t=1} = 21277;$$

Жавоб: облигациянинг нархи 21277 сўм туради.

Мисол 4. Баъзи компания номинал қиммати 1000 долл. бўлган муддатсиз вақтга облигация чиқарди.

Бу облигация бўйича компания ҳар ярим йилда 10% купон ставкаси миқдорида тўлайди.

“*a*”) бундай облигация жорий нархини топинг, агар унинг йиллик процент ставкаси бозор нарҳида 8% ни ташкил қиласа.

“*b*”) Бозор нархи 850 доллар бўлган облигация учун унинг бозор нарҳидаги процент ставкасини топинг.

Ечими. Компанияни муддатсиз акциясини мажбурияти муддатсиз вақтгача ҳар ярим или 50 доллардан тўлаб боради, бошқача айтганда асосий қарз маблағ ҳеч қачон сўндирилмайди. Шундай экан облигация соҳиби, облигация хақида купон тўлови миқдоригина бўлиши кифоя, чунки облигация капитал қиммати аҳамиятга эга эмас.

Маълум бир даврда тўловни – РМТ билан белгилаймиз. Бизнинг шароитимизда бу давр ярим йилни ташкил этади, демак РМТ = 50 доллар маълум даврга тўғри келадиган  $i$  – процент ставкаси.

$PV$  = облигация бозор баҳоси ( $PV = 850$ , “*b*” пункти учун, ва “*a*” пункти учун ноъмалум ўлчам).

Бу ўлчам нисбати билан боғлиқ.

$PV \cdot i = \text{РМТ}$  бундан жорий нархи

$$PV = \text{РМТ} / i \quad \text{ва} \quad i = \text{РМТ} / PV;$$

“*a*” пункти шариотида қуидагини оламиз

$$PV = 50 / 0,04 = 1250;$$

“*b*” пункти учун  $i$  – ни қимматини топамиз.

$$i = 50 / 850 = 0,06;$$

Жавоб: “*a*” – пунктида облигация нархи 1250 доллар.

“б” - пунктида йиллик процент ставаси тенг  $0,06 \times 2 = 0,12$  ёки 12%.

### 3. Акция.

Акциядорлик компания – бу компания күп мулкдорлардан ташкил топган. Бундай компаниянинг мулки акциянинг улушкига қараб бўлинади. Акция қимматли қофозлар бозорида эркин сотилади ва сотиб олинади. Қандайдир компаниянинг акциясини сотиб олиб, сотиб олувчи мулкда унинг акциясини миқдорига қараб маълум улушга эга бўлади, яъни акционерга айланади. Акция оддий ва имтиёзли бўлиши мумкин.

A. Оддий акция. Бундай қимматли қофозлар эгаси ўзининг купон акциясининг сонига пропорционал миқдорда дивидент олишга ҳақли. Ҳар бир акция акциядорларнинг умумий мажлисида битта овозга эга бўлади.

Облигацияни акциядан фарқи шундаки, унга купонида кўрсатилган миқдордаги процентни тўлаб боради, акцияда эса шунга ўхшаш мажбурияти йўқ. Акциядорлик компаниясининг раҳбари умумий мажлис қарори билан дивидент пулини корхонани қайта инвестициялаш, кенгайтириш ёки ишлаб чиқаришни модернизациялаштиришга йўналтириши мумкин. Бундай ҳолатда акциядор дивидент олмасада кейин ютади, чунки ишлаб чиқаришни ривожлантириб бориши ҳисобига акциянинг бозор баҳоси ортиб боради.

B. Имтиёзли акция. Имтиёзли акция облигация ва акцияни гибриди (аралашмаси). Имтиёзли акцияни эълон қилинган номинал нархда чиқаради.

Имтиёзли акцияга тўланадиган маблағ дивидент дейилади. Бу одатда номинал нархини маълум проценти билан ифодаланади.

Имтиёзли акцияни, оддий акциядан асосий фарқи шундаки, у ўзининг эгасига акциядорларнинг умумий мажлисида овоз олиш ҳукуқини бермайди, лекин бу акция ўз эгасига корхонадан биринчи навбатда дивидент олиш ҳукуқини беради. Уларининг эгалари фақат экстремал вазиятда қийин молиявий аҳволда қолганида жамият шундай ҳукуқ беради.

1. Мисол. Номинал қиммати 100 долл. бўлган имтиёзли акцияни кўриб чиқамиз, у ҳар йили 12% дивидент бериш шарти билан чиқарилган. Дисконт ставкаси 15% бўлган ҳолатдаги унинг жорий нархини аниклаймиз.

Ечими: Муддатсиз акцияни жорий нархини ҳисоблаш учун формуладан фойдаланамиз:

$$P = \frac{D}{k} \quad (2.12)$$

Бу ерда  $P$  – имтиёзли акциянинг жорий қиммати (нархи);

$D$  – ҳар йиллик дивидентлар;

$k$  – дисконт ставкаси.

Ушбу масалани формула (2.12.) ни ўрнига қўйиб  $D = 100 \cdot 0,12 = 12$ ;  $k = 0,15$ , аниқлаймиз  $P = 12 / 0,15 = 80$  доллар.

В. Дивидентларни доимий ўсиши. Компания ҳар бир акция учун 20 сўмдан дивидент тўлаган бўлса, кейинги йилларда компания қўйидаги схемада дивидент тўлашни режалайди:

Йил	1	2	3
Дивидентлар	$20 \times 1,1 = 22$	$22 \times 1,1 = 24,2$	$24,2 \times 1,1 = 26,62$

Бу схемадан шу нарса маълумки, кутилаётган дивидентлар микдори иилига 10% ортиб боради. Бу ҳолатда ўсиш темпи  $q = 10\%$ .

Агар кутилаётган дивидентни доимий тезлиги  $q\%$  йил ўлчамида ортиб борса, проф. Г. Гордон формуласи ҳақиқий бўлади:  $P_0 = \frac{D_1}{k - q}$ ; (2.13)

Бу ерда  $P_0$  – акциянинг жорий бозор нархи;

$D_1$  – биринчи йилнинг натижаси билан тўланадиган дивидентлар;

$k$  – кутилаётган даромад ставкаси (шуни ўзи дисконт ставкаси ҳам) мазкур акция учун, улушлар бирлигига;

$q$  – ҳар йилги дивидентни ўсиш темпи, улушлар бирлигига.

Бирлик улушкини қиммати бу процент ўрнига  $\frac{n\%}{100}$  қиймати фойдаланилади. Шуни айтиш керак-ки,  $q = 0$  бўлганида вакт ўтиши билан ҳам дивидентлар микдори ўзгармайди. Проф. Г. Гордон формуласи, имтиёзли акция ва муддатсиз облигацияларни жорий нархини хисоблашда қўлланиладиган формулага мувофиқ келади.

2. Мисол. Жорий йилда компания ҳар бир акцияга 20 сўмдан тўлайди. Келажакда ҳар йилига 10% доимий ўсиб бориш назарда тутилмоқда. Дисконт ставкаси 50% бўлган вақтдаги акциянинг бозор нархини топинг.

Ечими: Г. Гордона формуласини қўллаш учун биринчи йилни охирида тўланадиган дивидент микдорини хисоблаймиз.

$$D_1 = 20(1 + 0,1) = 22 \text{ сум},$$

Олинган ушбу қимматни  $D_1 = 22$  ва  $k = 0,5$ ,  $q = 0,1$ . Проф. Г. Гордона формуласи (2.1.) га қўйиб унинг қимматини топамиз.

$$P_0 = 22 / (0,5 - 1) = 55 \text{ сум}$$

Жавоб: акциянинг бозор баҳоси 55 сўм экан.

3. Мисол. Компания акциясининг бозор нархи 50 долл. тенг. Ҳар бир акцияга ўтган йили 5 доллардан дивидент тўланган эди. Компания даромадини ставкаси 15% деб баҳоланади. Компания учун дивидентни

доимий ўсиш темпи қанчадан бўлиши керак агар компанияни даромад ставкаси аввалги даражасида қолган бўлса.

Бошланғич маълумотлар:  $P_0 = 50$ ;  $D_0 = 5$ ;  $k = 15\%$ .

q нинг ўсиш тэмпини аниқлаймиз.

$$D_1 = D_0(1+q) \quad (2.14.)$$

$D_1$  ни қимматини проф. Г.Гордон формуласига қўйиб қуидагини оламиз.

$$P_0 = \frac{D_1}{(k-q)} = \frac{D_0(1+q)}{(k-q)};$$

Мисолда олинган қийматини ушбу формулага қўйиб қуидаги миқдордаги қийматни оламиз.

$$50 = \frac{5(1+q)}{0,15 - q}; \quad 10 = \frac{1+q}{0,15 - q}; \quad 11q = 0,5; \quad q = 0,04545$$

Жавоб: Дивидентларни ўсиш даражаси йилига 4,55 % ташкил этади.

Проф. Г. Гордон формуласи. Акцияларнинг бозор баҳоси шу акцияни келажакда оладиган ҳамма дивидентларини жорий баҳосига тенг, яъни акциянинг баҳосини ҳисоблаш учун тўланиши кутилаётган дивидентларни пул оқимини дисконтирлаш керак.

Биринчи йилга тўланадиган дивидентни  $D_1$  билан белгиласак,  $D_2$  – иккинчи йилни дивиденти ва бошқалари,  $k\%$  - ушбу акция учун кутилаётган даромад ставкаси қуидагича;  $t$  – йиллар сони;  $q$  – ҳар йиллик дивидентларни ўсиш темпи, %.

Дивидентни доимий ўсиш талаби қуидаги кўринишда ифодаланиши мумкин.

$$D_1 = D_0(1+q), \quad D_2 = D_1(1+q), \dots \quad D_t = D_0(1+q)^t \quad (2.15.)$$

Компания  $P_0$  нархida акция сотиб олди ва сотиб олган кунидан тўлиқ бир йил ўтгандан сўнг акциядорлир  $D_1$  ўлчамдаги дивидентлар олди. сўнгра ушбу акцияни  $P_1$  баҳода сотди. Бундай операция натижасида олинган даромад миқдори тенг бўлади:  $D_1 + (P_1 - P_0)$ .

Акциянинг жорий нархи  $P_0$  бир йилдан сўнг тенг бўлади:

$$P_1 = P_0(1+q)$$

$$\text{Капиталнинг ўсиши } P_1 - P_0(1+q) - P_0 = P_0q \quad (2.16.)$$

Кутилаётган даромад ставкаси тенг бўлади, даромадни биз киритган сармоямизни нисбатига у қуидаги формулага эга бўлади:

$$k = (D_1 + P_0q) / P_0 = D_1 / P_0 + q;$$

$$k - q = D_1 / P_0 \quad \text{бундан } P_0 = \frac{D_1}{(k - q)}; \quad (2.17.)$$

$1 < q < 0$  бўлган ҳолати дивидентларни миқдорини доимий камайиб боришига жавоб беради.  $q = 0$  бўлганида дивидентлар вақт ўтиши билан ўзгармайди. Унда Г. Гордон формуласи оддий кўринишга эга бўлиб,  $P_0 = D / k$  тенг бўлади. Агар  $q \geq k$  бўлса дивидентни жуда юқори (аномаль) темпда ўсишлигини кўрсатади. Бундай бўлса Г. Гордон формуласи ўз аҳамиятини йўқотади.

Г. Гордон формуласи  $1 < q < k$  бўлганида қўлланилади.

4. Мисол. Конни кончилик компанияга тегишли захираси тугаб бормоқда, компаниянинг кўрадиган фойда миқдори камайиши билан дивидент миқдори ҳам, йилига 5 % камайиб бормоқда. Компания акциясини жорий баҳоси қанча бўлади, агар дивидент миқдори ўтган йилда ҳар бир акция учун 20 сўм бўлган бўлса, кутилаётган даромад ҳар бир акцияга 30 % ташкил этади:

$$k = 30\%; \quad q = -5\%; \quad D_1 = 20(1 - 0,05) = 19 \text{ сум.}$$

Бу қийматларни Гортанани (2.17.) формуласига қўйиб ҳисоблаганда куйидаги қийматга эга бўламиз:

$$P_0 = 19 / (0,3 + 0,05) = 54,3$$

Жавоб: Компания акциясини жорий нархи 54,3 сўмга тенг экан.

**Мавзу: Конни қазиб олиш усулларини танлаш. Рудникни йиллик ишлаб чиқариш унумдорлигини аниқлаш усуллари (2 соат)**

**Амалий машғулотларини ўтказиш технологияси**

<b>Машғулот вақти – 2 соат</b> <b>Машғулот шакли – амалий</b>	<b>Тингловчилар сони – 15-20 та</b>
<b>Ўқув машғулотининг вазифаси:</b>	1. Конни қазиб олиш усулини танлаш 2. Рудникни йиллик қазиб чиқариш қувватини аниқлаш
<b>Ўқув машғулотининг мақсади:</b> Конни қазиб олиш усулларини танлаш. Рудникни йиллик ишлаб чиқариш унумдорлигини аниқлаш усуллари буйича кўнималарини ривожлантириш.	
<b>Педагогик вазифалар:</b>  Конни қазиб олиш усулларини танлашни ва рудникни йиллик ишлаб чиқариш унумдорлигини аниқлаш усулларини ўргатиш.	<b>Ўқув фаолияти натижалари:</b>  Конни қазиб олиш усулларини танлай олади ва рудникни йиллик ишлаб чиқариш унумдорлигини аниқлаш усулларини ўрганади.
<b>Ўқитишиш воситалари</b>	ЎУМ, компьютер, проектор, слайдлари.
<b>Ўқитишиш усуллари</b>	Амалий машқ методи
<b>Ўқитишиш шакллари</b>	Якка тартибда
<b>Ўқитишиш шароити</b>	компьютер, проектор билан жиҳозланган аудитория
<b>Мониторинг ва баҳолаш</b>	Оғзаки сўров

## Амалий машғулотларининг технологик харитаси

<b>Фаолият босқичлари</b>	<b>Фаолият мазмуни</b>	
1-босқич. Тайёргарлик босқичи	<p style="text-align: center;"><b>Ўқитувчининг</b></p> <p>1.1. Мавзу бўйича машғулот мазмунини тайёрлайди.</p> <p>1.2. Амалиёт машғулотини ўtkазиш учун аудиторияда керакли шарт-шароитлар яратади.</p> <p>1.3. Ўкув модулини ўргатишида фойдаланилдиган адабиётлар рўйхати тайёрлайди.</p>	Тингловчиларнинг
2-босқич Мавзуга кириш (10 мин)	<p>1.1. Ўкув машғулоти мавзу номи, мақсади ва ўкув фаолияти натижаларини эълон қиласди, унинг аҳамияти ва долзарблигини асослайди..</p> <p>1.2. Ўкув машғулоти мавзу режаси, фойдаланилган адабиётлар билан таништиради</p>	<p>Тинглайдилар.</p> <p>Тинглайдилар ва ёзиб оладилар</p>
3-босқич. Асосий бўлим (60 мин)	<p>3.1. Амалий машғулот учун танланган мавзу эълон қилинади.</p> <p>Мавзуга оид топшириқли машқлар тарқатади ва вақт белгилайди. Берилган топшириқларни бажарилишини таҳлил қиласди. Мавзуни мустаҳкамлайди.</p> <p>3.2. Ҳар бир тингловчидаги олинган билим асосида амалий кўникма шакллантириш мақсадида уларни техник воситалар билан таъминлайди.</p> <p>Берилган топшириқларни бажарилишини назорат қиласди ва маслаҳатлар бераборади.</p> <p>Кузатади, ютуқ ва камчиликларни қайд қилиб боради. Топшириқнинг бажарилишини «Баҳолаш ва рақаси»га қайд қилиб боради.</p> <p>3.3. Тингловчилар томонидан берилган саволларга жавоб беради ва умумлаштирувчи хulosaga беради.</p> <p>3.4. Тингловчиларнинг мавзуга оид фикрларини шарҳлайди, хulosаларга эътибор беради, аниқлик киритади.</p>	<p>3.1. Тинглайдилар ва дафтарга ёзиб оладилар</p> <p>3.2. амалий бажариш учун тарқатилган машқларни мустақил равища бажаришга киришадилар.</p> <p>Техник воситалардан фойдаланадилар</p> <p>Мавзу юзасидан олган билимларини текширадилар,</p> <p>баҳолайдилар, ва мустаҳкамлайдилар.</p> <p>3.3. Мавзуга оид саволлар берадилар.</p> <p>3.4. Тинглайдилар, хulosaga чиқарадилар.</p>

4-босқич. <b>Якунловчи</b> (10-мин)	4.1.Машғулот бўйича якунловчи хуросалар қиласди. 4.2. Тингловчилар фаолиятини баҳолайди. 4.3.Кейинги мазву бўйича тайёрланиб келиш учун саволлар беради.	Тинглайдилар. Топшириқни оладилар.
---	--	---------------------------------------

**(1-илюва)**

## **АМАЛИЙ МАШҚ МЕТОДИ**

**АМАЛИЙ МАШҚ МЕТОДИ**

Ушбу метод назарий билимларни мустаҳкамлаш жараёнларида, амалий қўникмалар шакллантиришга қаратилган машғулотларда қўлланилади. Методни гурӯхларга бўлиб ёки якка тартибда ишлаш шаклларида амалга ошириш мумкин. Мавзуга оид машқлар тарқатилади. Машқларни бажарилиши назорат қилинади. Бажарилган машқлар гурҳ билан биргаликда муҳокама қилинади. Тўғри хуросалар чиқарилади. Машқларнинг бажарилиши белгиланган мезонлар асосида амалга оширилади.

**(2-илюва)**

### **Амалиёт №5**

#### **Топшириқли машқлар**

1. Конни қазиб олиш усулини танлаш
2. Рудникни йиллик қазиб чиқариш қувватини аниқлаш

1. Хар қандай фойдали қазилма конини саноат даражасида ўзлаштириш қатор техникавий-иктисодий масалаларни ечишни талаб этади. Шуларнинг ичida биринчи ўринда конни қазиб олиш усулини танлашдир.

Қаттиқ фойдали қазилма конларини; ер ости усулида, очиқ усулда ва комбинациялаштирилган усулларини қўллаб қазиб олиш мумкин. У ёки бу усулни қўллаб қазиб олиш коннинг геологик шароитига унинг руда танасини ётқизилиш элементларига ёндош жинсларни физик-механик хусусиятларига боғлиқ холда танланади. Кўп холларда фойдали қазилма конларини ўзлаштириш учун қазиб олиш усулларидан бирини танлайди, бунда танланган усулни маҳсус асослаш талаб этилмайди. Масалан, чуқур жойлашган конни қазиб олиш усулини танлашда сўзсиз ер ости усулида ишлатиш танланади. Бу танланган усул мақсадга мувофиқлигига шубҳа

эътиroz йўқ. Ер юзасига яқин жойлашган конни қазиб олишда очик усул қўлланишни табий шароитини ўзи тақоза этади.

Фойдали қазилма қатламини ётиш (оғиш) бурчаги тикка яқин, лекин чуқур жойлашган қатламини, ер юзасига яқин устки қисми тупроқ билан қопланган бўлса конни комбинациялаштирилган усул билан қазиб олиш усулинни қабул қилиш тўғри ечим хисобланади. Конни ер юзасига яқин қисмини очик усул билан, чуқур қисмини эса ер ости усулида қазиб олинади. Бу ва бошқа холатда ҳам конни очик усулда қазиб олишни сўнгги чегараси белгиланган бўлиши керак. Уни аниқлаш учун Боголюбова Б.П. тавсия этган қўйидаги формула билан хисоблаш мумкин

$$X = \frac{K_r \cdot m}{ctg\beta + ctg\gamma};$$

бу ерда  $X$  - конни очик усулда қазиб олишдаги сўнгги чегараси: конни тупроқ остидаги юқориги юзасигача бўлган чизик, м.

$$K_r = \frac{K_u(C_n - C_0)}{C_u}; \text{ геологик қоплама коэффиценти (тупроқ қалинлиги)}$$

$K_u$  - очик усулда қазиб олинганида рудани массивдан ажратиб олиш коэффициенти;

$C_n$  - фойдали қазилмани ер ости усулида қазиб олишдаги таннархи, сум/т; ёки долл/т

$C_o$  - очик усулда қазиб олишда қоплама жинсларни хисобга олмагандаги таннархи, сум/т; ёки долл/т

$m$  - руда танасини горизонтал қалинлиги, м.

$\beta$  ва  $\gamma$  карьер бортини ўртacha оғиш бурчаги руда танасини осилган ва ётган бурчаги бўйича хисоблаганда.

Проф. П.И. Городецкий формуласи бўйича: руда ётқизифини оғиш бурчаги карьер бортини ҳавфсиз бурчагидан катта бўлганида

$$X = \frac{K_1 \cdot m}{ctg\beta + ctg\gamma} - \frac{b'}{b} \cdot h$$

бу ерда  $b'$  - тупроқ бўйича  $1 \text{ m}^3$  қоплама жинслар нархи

$b$  - туб жислар бўйича  $1 \text{ m}^3$  қоплама жинслари нархи;

$h$  - қопламани ташкил этган тупроқни қалинлиги, м.

Фойдали қазилмани ётиш бурчаги  $\alpha$  карьер ён бағрини ҳавфсиз бурчагидан кичик (қоплама жинсларни фойдали қазилмани осилган ён томонидан бошлаб қазиб конни очади) формула (4.18) ни маҳражидаги  $ctg\gamma$ ,  $ctg\alpha$ - билан алмашади.

2. Фарб мамлакатларида рудникларни ҳизмат муддати ( $t$ ) аниқлаш учун Тейлор формуласидан фойдаланилади

$$T = 0.2\sqrt[4]{Q}$$

Бу ерда  $Q$  - кондаги руда захираси, т;

Агар руда захираси,  $Q$ -ни млн.т. ифодаласак у ҳолда формула күйидаги күринишга эга бўлади:

$$T = 6.5\sqrt[4]{Q}$$

Рудникни йиллик қазиб чиқариш қуввати «A» га тенг бўлади

$$A = \frac{Q}{T} \text{ млн т/йил.}$$

Совет давридаги кончилик ишлари адабиётларида рудникларни йиллик қазиб чиқариш қувватини аниқлашда коннинг захираси  $Q$ , рудани қазиб ажратиб олиш коэффициенти (Ки) ва уни сифат йўқотилиши (разубоживание) ( $\rho$ ) қуйидаги маълум формула билан хисобланади.

$$A = \frac{Q \cdot K_u}{T(1 - \rho)};$$

Рудникни йиллик максималь  $A_{\max}$  ва минималь  $A_{\min}$  ишлаб чиқариш қувватини аниқлаш учун проф. В.В. Померанцев қуйидаги формуладан фойдаланишни таклиф этган:

$$\left. \begin{aligned} A_{\max} &= \frac{Q}{0,3+13}; \text{млн.т} \\ A_{\min} &= \frac{Q}{0,3+23,5}; \text{млн.т} \end{aligned} \right\}$$

Бу формулаларни (5,22) маҳражи рудникни ҳизмат қилиш муддатини (т/йил) ҳисобида аниқласа керак, бу билан  $Q = \text{const.}$   $A_{\max}$  - рудникни ҳизмат қилиш муддати факат минимал бўлса ( $t_{\min}$ ) олинади ва аксинча  $A_{\min}$  - максимал бўлса ( $t_{\max}$ ) муддатга олинади, яъни:

$$\left. \begin{aligned} t_{\min} &= 0.3Q + 13 \\ t_{\max} &= 0.3 + 23.5 \end{aligned} \right\}$$

формула (4.22) ва (4.23) фойдаланиб, масалани тескарисига ечамиз.

Рудникни, берилган йиллик ишлаб чиқариш қувватига мувафиқ унинг талаб этилган руда захирасини аниқланади.

$$\left. \begin{aligned} Q_{\max} &= \frac{23.5A_{\max}}{1 - 0.3A_{\max}}; \\ Q_{\min} &= \frac{13A_{\min}}{1 - 0.3A_{\min}}. \end{aligned} \right\}$$

Конни йиллик ишлаб чиқариш қувватини таҳминан баҳолаш учун ( $Q$ ) 100 млн. т руда бўлса қуйидаги формула билан аниқлаш мумкин.

$$A = k \sqrt{Q};$$

бу ерда  $k$  - қиймати руда захирасига рудникни ишлаш муддатига боғлиқ холда хисобланади.

Жадвал

Руда захирасига боғлиқ холда коэффициент  $k$  - ни қиймати

Руда захираси, млн. т	Коэффициенти - $k$	
	Максималь ўлчами	Минималь ўлчами
1 гача	80 гача	40 гача
1-5	80-150	40-90
5-10	150-195	90-120
10-20	195-235	120-150
20-30	235-250	150-170
30-50	250-255	170-180
50-100	255-270	180-200

Қалинлиги кам бўлган ер томирли конларни қазиб олишда, унинг кон массасининг захираси ( $\Gamma$ ) ва махсулот бўлган руданинг ( $T_p$ ) захираси бўйича баҳолашда қуйидаги tenglik билан аниқланиши мумкин.

$$\Gamma = P + \Pi - T;$$

$$T_p = r_1 r_2 P + r_1 r_3 \Pi, \quad T;$$

Бу ерда  $P$  – ер остидаги руда томирларини захираси;

$\Pi$  – ер остидан қазиб олинган рудасиз бўш жинслар оғирлиги;

$r_1$  – руда томирларини ажратиб олиниш коэффициенти;

$r_2$  ва  $r_3$  – томирли руда ва рудасиз бўш жинсларни ажратиб олиш коэффициенти бунда миқдор йўқотилишини ҳисобга олган ҳолда рудани кавжойда саралаганда, ер юзасига чиқарганида, ташиб келтиришдаги йўқотилишлари билан бирга.

$$r_1 = 0,8 \div 0,85; \quad r_2 = 0,9 \div 0,95; \quad r_3 = 0,5 \div 0,70$$

Ер остидаги томирли руда ва барча рудасиз жинслар захираси, ер остидан қазиб олинадиган руда танасини ўлчамлари ва қазиб олиш жойни руда танасини қалинлигига қараб аниқланади.

$$P = L \cdot h \cdot m \cdot \gamma_{\text{ж}}, \quad \text{N};$$

$$\Pi = L \cdot h \cdot (n - m) \gamma_n, \quad \text{N}.$$

Бу ерда  $L$  - чўзиқлиги бўйича руда томирни узунлиги, м;

$h$  - руда томирини қиялиги бўйича чукурлиги, м;

$m$  - руда томирини ўртача қалинлиги, м;

$n$  - қазиб олинаётган кавжой баландлиги, м;

$\gamma_a$  - руда томири массасини ҳажмий оғирлиги, т/м<sup>3</sup>;

$\gamma_o$  - рудасиз ёндош жинсларни ҳажм оғирлиги, т/м<sup>3</sup>.

Рудникни йиллик ишлаб чиқариш қуввати руда танасини қалинлиги 1 м кам бўлган, томирли рудани қазиб олишда кондаги руда жинсини заҳирасига қараб аниқланса, бойитиш фабрикасини ишлаб чиқариш қуввати товар руда заҳирасига мувофиқ белгиланади.

Кон жинслари ва товар руда заҳирасини ҳисобга олинишини ва баҳолашни муҳимлигини қуидаги мисолда кўриш мумкин.

Кон, руда томирларидан иборат бўлиб, юзасининг чўзиқлиги 3000 метрдан иборат, қиялиги бўйича 400 м, руда томирни ўртача қалинлиги 0,6 м; руда томирни ҳажмий оғирлиги 3 т/м<sup>3</sup>; рудасиз бўш жинсларни ҳажм оғирлиги эса 2 т/м<sup>3</sup>, қазиб олишда кавжойнинг баландлиги 0,8 м;

1. Ер остидаги руда томирни заҳираси

$$P=3000 \cdot 400 \cdot 0.2 \cdot 3 = 720 \text{ минг т};$$

2. Рудасиз бўш жинслар (руда билан биргаликда ер остидан қазиб чиқариладиган) оғирлиги

$$P=3000 \cdot 400 \cdot (0.8 - 0.2) = 1440 \text{ минг т};$$

3. Кон жинслари заҳираси

$$\Gamma=720+1440=2160 \text{ минг т};$$

4. Агар  $r_1=0,9$ ;  $r_2=0,9$ ;  $r_3=0,6$  бўлганида қуидаги миқдордаги товар руда қазиб оламиз:

$$T_p=720 \cdot 0,9 \cdot 0,9 + 1440 \cdot 0,9 \cdot 0,6 = 580 + 780 = 1360 \text{ минг т}.$$

Шундай қилиб, рудникни йиллик ишлаб чиқариш қувватини ҳисоблашда, захирани  $P=720$  минг т. эмас,  $\Gamma=2160$  минг тонна, деб, қабул қилинади.

Бойитиш фабрикасини йиллик ишлаб чиқариш қувватини аниқлагандан эса товар рудани  $T_p=1360$  минг т. деб, қабул қиласиз.

5. Формула (4.22)дан фойдаланиб,  $Q=\Gamma=2160$  минг т. деб қабул қилиб рудникни максималь йиллик ишлаб чиқариш қувватини қуидаги формула билан хисобланади.

$$A_{\max} = \frac{2.16}{0.3 \cdot 2.16 + 13} = 160 \text{ минг т};$$

Шу жумладан руда массаси бўйича

$$A = \frac{160}{1 + \frac{1440}{720}} = 50 \text{ минг т};$$

рудасиз бўш жинслар бўйича

$$A_n = 160 - 50 = 110 \text{ минг т.};$$

6. Бойитиш фабрикасини товар руда бўйича ишлаб чиқариш қуввати

$$A_{n\phi} = 50 \cdot 0,9 \cdot 0,9 + 110 \cdot 0,9 \cdot 0,6 = 100 \text{ минг т.}$$

7. Кон рудасини бойитиш фабрикасини ишлаш муддати

$$T_{o\phi} = \frac{\Gamma}{A_{\max}} = \frac{T_p}{A_{o\phi}} = \frac{2160}{160} = \frac{1360}{100} = 14 \text{ йил};$$

Рудникларни лойихалашда корхонани йиллик ишлаб чиқариш қувватини аниқлашда, энг кенг тарқалган усул фойдали қазилмани қазиб олишда академик М.И. Агошков таклиф этган усул қазилмани қазиб чуқурлашиш ўлчамига қараб белгилаш кенг тарқалган усуллардан асосийсидир.

Маълум рудали майдон ўлчами  $S(\text{м}^2)$ , фойдали қазилмани ҳажм оғирлиги  $\gamma$  ( $\text{т}/\text{м}^3$ ), фойдали қазилмани ер остидан ажратиб олиш коэффициенти  $k_n$  ва сифат ўзгариш коэффициенти  $k_k$ -1-р, бу ерда  $r$  – руда сифатини ўзгариш коэффициенти. Рудникни йиллик ишлаб чиқариш (қазиб чиқариш) қуввати қўйидаги формула билан хисобланиши мумкин.

$$A = V \frac{S \cdot \gamma \cdot k_n}{k_k}; \text{ т/йил} \quad (4,26)$$

Бу ерда  $V$  - Конни ишлатишда ҳар йилги ўртacha пастлашиш ўлчами бўлиб, конни тиккасига қазиб олишда чуқурлашиш ( $\text{м}/\text{йил}$ ) ўлчами.

Кон ётқизигини оғиш бурчаги ва конни қалинлигини ҳисобга оловчи, тузатиш коэффициенти билан ҳисобга олинади. жадвалда келтирилган  $V$  - ни қиймати қалинлиги 5-15 м ва оғиш бурчаги  $\alpha = 60^\circ$  бўлган конлар учун берилган. Кондаги руда қалинлиги ва унинг ётқизилиш бурчаги бошқача бўлса, у холда  $k_1$  ва  $k_2$  қийматига тузатувчи коэффициент киритилади, бу кўрсаткич қиймати 4.4-жадвалда берилган.

Жадвал

оғиш бурчаги (градус)	тузатувчи коэффициент $k_1$ -нинг қиймати	руда танасини қалинлиги	тузатувчи коэффициент $k_2$ -нинг қиймати
90	1,2	Қалинлиги (5м гача)	1,25
60	1,0	ўртacha қалинликда (5-	1,0

		15м)	
45	0,9	қалинлиги (15-25 м)	0,8
30	0,8	жуда қалин (25 м юқори)	0,6

## **МАЪРУЗА МАТНИ**

**Маъруза 1: Шахта ва рудникларни лойиҳалаш асослари модулининг вазифаси ва мақсади. Лойиҳалаш ҳақида умумий маълумотлар, лойиҳалашнинг меъёрий базаси.**

**Режа:**

- 1. Шахта ва рудникларни лойиҳалаш асослари модулининг вазифаси ва мақсади.**
- 2. Лойиҳалаш ҳақида умумий маълумотлар.**
- 3. Лойиҳалашнинг меъёрий базаси.**
- 4. Корхона лойиҳасини мазмуни, бўлимлари, ишчи хужжатлар, смета хужжатлари, қурилишни ташкил этиш лойиҳаси.**

**Таянч сўзлар:** Рудник, Шахта, Карер, Прийск, Промисел, Шпур, Скважина.

Ҳозирги давр шароитида кончилик корхонасини (рудникларни) лойиҳалаш ишлари, табиий ресурслардан рационал фойдаланишга қаратилган бўлиб, фойдали қазилмаларни қазиб олишдан, комплекс қайта ишлов бериб тайёр маҳсулот олганига қадар бўлган жараёнларни ўз ичига олади. Шунинг учун лойиҳалашда қурилиш материаллари, металл, энергия ресурсларини ва маблағларни тежаб сарфлайдиган технолгияларни қўллаш, лойиҳани техникавий даражасини юқори бўлишини ва маҳсулот сифатини ҳар томонлама ошириш талаб этилади.

Шунинг учун ҳозирги даврда, кончилик саноатидаги, барча фойдали қазилмалардан тўлиқ фойдаланиш муоммоларини ҳал этиш масаласи кўндаланг бўлиб турибди; шулардан конни очишда чиқарилган жинслардан бошлаб оғдармага ташланган жинсларгача қазиб олиб, майдалangan рудани бойитиш жараёнидаги чиқиндилари, сув ресурслари, қурилиш майдонини қисқартириш ва ерни рекультивациялаш каби ишларни илмий асосда ўрганиб ишлатишга жалб этиш масалаларини ҳал этиш керак. Фойдали қазилма конларини қидириб топиш ва разведка қилишга 30-40% капитал қўйилма маблағлар ажратилади ва 20% га яқин меҳнат ресурслари жалб этилади. Шу ресурсларни асосий қисми ер ости ишларини олиб боришга сарфланган.

Ҳозирги даврда руда таркиби металга бой бўлган конлар ер остини чуқур қатламларида қолган, шунинг учун уларни ер ости усулида қазиб олиш рангли металл конларида -67% ташкил этса, Кимё саноати ҳомашъёсини қазиб олишда -50%, кўмирни -60%, калий тузлари деярли 100% ер ости

усулида қазиб олинмоқда. Карьерлардагига нисбатан, ер ости рудникларидан қазиб олинган металл миқдори бир неча марта ортиқдир.

Ер ости усулини құллаб қазиб олиш, катта меңнат сифими ва күп маблағ талаб этадиган жараёндир. Шундай бўлишига қарамасдан ер ости усулида қазиб олинадиган рангли металларни қиймати карьерлардан қазиб олинадиган металлар қийматига нисбатан анча юқори. Шунинг учун ер ости усулида қазиб олинадиган конларни замон талабларига мувофиқ лойиҳалаш муҳим аҳамият касб этганлиги учун лойиҳалашда хатога йўл қўйилса кўп миқдордаги ҳар-ҳил ресурсларни ортиқча сарфланишига олиб келади. Шу вақтни ўзида лойиҳалашда аниқ, ишончли ечимлар қабул қилиш, ҳам катта миқдордаги ресурсларни тежаб қолиш имконини беради. Ҳозирги давр талаби шундан иборатки барча материал, энергия ва меңнат ресурсларини минимал миқдорда сарфлаб, ер остидаги захираларни комплекс ишлатишга жалб этиш ва бошқа ресурсларни муҳофаза этиш каби мураккаб масалаларни ҳал қилиш учун иқтисодий-математик моделлаш, ЭҲМ билан ҳисоблаш ва автоматизациялаштирилган тизимда лойиҳалаш усулларини кенгроқ қўлланиш замон талабидир. Одатда рудникларни ўлчамларини Лойиҳалашда унинг бутун ишлатиш муддатида ўзгартирилмайдиган қилиб қабул қилинади ва уни олдиндан ўзгартириш ҳам назарда тутилмайди. Лойиҳа ҳисобларига киритилган кондицияни ҳисоблаш ўлчамлари ва рудникни ишлаб чиқариш кўрсаткичлари, шу жумладан, унинг ишлаб чиқариш қуввати лойиҳадагига нисбатан 1,5-2 баробар кўп ёки оз томонга ўзгариши мумкин. Кўпинча рудникни лойиҳада белгиланган ишлаб чиқариш қуввати қазиб олиш жараёнида 60-70% гина ўзлаштирилади, олинадиган (сўнги) маҳсулотда эса 48-50%. Масалан, «Ингичка» вольфрам конида лойиҳада белгиланган металлни 60-65% тасдиқланган. Мураккаб кон-геологик шароитдаги рудникларда эса белгиланган технологик вариантларни қўллаш имкони 40-50% гина тасдиқланган. Шунинг учун рудникларни ишлатиш натижаларига қараб лойиҳани айрим ўлчамларига ўзгартириш киритиш керак бўлади.

Ушбу модул курсини асосий масалаларидан бири шундан иборатки, масалаларни ечишда, ҳозирги давр тингловчиларига мувофиқ келадиган усулларини қўллаб, унинг оптимал ўлчамларини топиш ва лойиҳалашда йўл қўйилиш эҳтимоли бўлган хатолардан сақланишини ўргатишdir.

Рудникларни лойиҳалашни бош мақсади шундан иборатки, имкони борича кам капитал маблағлар сарфлаш ва эксплуатация ҳаржатларни ҳам кам сарфлаган ҳолда, ҳалқ хўжалигига зарур бўлган фойдали қазилмани кўпроқ қазиб олишни оптимал ўлчамларини лойиҳалашда, хатога камроқ йўл қўйиш имконларини ҳам ўргатишdir. Бу одатда янги конларни ўзлаштириш

хисобига, янги шахталар қуриб ишга тушириш ва ишлаб турган конларни қайта лойиҳалаб, қайта жиҳозлаб, кенгайтириш, янги техника билан қайта куроллантириш ҳисобига амалга ошириш мумкин. Бу янги шахталарни қуришга нисбатан анча арzonга тушади. Шунинг учун ишлаб турган конларни ўлчамларини мувофиқлаштириб, қайта лойиҳалаш актуал масалалардан биридир.

Рудникни лойиҳалаш - бу ижодий жараён бўлиб, кон ишларини келажагини олдиндан кўришга интилишdir. Лойиҳалашни самарадорлиги аввало услубий кўрсатмаларда, қўйилган масалаларни тўғри ечиш учун уларни танлаб олинишига боғлик. Бу кўрсатма одатда ҳисоб кўринишига асосланган ёзма баённома, чизма ва бошқа материаллардан иборат.

Лойиҳалашнинг бош масаласи шундан иборатки, янги ёки қайта кенгайтириб жиҳозланаётган шахта ва рудникларни мувофиқ ўлчамларини аниқлаш ва танлаш бўлиб, асосий эътибор қазилма захираси ва рудникни кон майдони чегарасидаги рудани сифати, қазиб чиқариш қуввати, рудникни хизмат қилиш муддати, конни очиш схемаси ва усувлари, қазиб олиш тизими, қўлланиладиган кончилик асбоб-ускуналари ва машина-механизмларни тури, қазиб олинадиган руда массасига, технологик характеристика, капитал қурилиш ишлар ҳажми, рудникни қуриш муддати ва лойиҳада белгиланган қазиб чиқариш қувватини ўзлаштириш муддати аниқланади. Булардан ташқари ишлаб турган кончилик корхонасини техникавий-иктисодий кўрсаткичлари, рудникни қуриш учун ажиратиладиган капитал харажатлар миқдори, меҳнат унумдорлиги, қазиб олинадиган руда ва тайёр маҳсулотни таннарҳи, кўриладиган фойда миқдори, кон ишларини механизациялаш ва автоматизациялаш ва энерго билан куролланиш даражаси, капитал қўйилмаларни самарадорлиги, харажатларни қоплаш муддати, қазиб чиқаришнинг рентабеллиги ва бошқалар лойиҳада ўз аксини топган бўлиши керак. Кончилик саноатини самарали ишлаши учун лойиҳанинг ҳамма ечимлари жуда чуқур асосланган бўлиши шарт.

Бундай муҳим масалаларни бажариш учун нафакат лойиҳалаш назариясини, амалиётини чуқур билиш, балким бундай муҳим муаммоларни ҳал этишда иқтисоддаги ва математикадаги ва бошқа билимларда эришган ютуқларини лойиҳалашга тадбиқ этишига, биринчи навбатда программалаштириш, ЭҲМ ва лойиҳалашни автоматик тизимини қўллаш зарур бўлади, фақат шундагина лойиҳани юқори сифатли бўлиши таъминланади. Лойиҳада атроф муҳитни муҳофазалашга ҳам кенг ўрин ажратилиши керак. Юқоридаги талаблардан келиб чиқсан ҳолда модулнинг мақсади – кончилик ишлари соҳасида билим олаётган тингловчиларга шахта

ва рудниклар қурилишини, қазиб чиқариш мажмуаларининг элементларини лойиҳалаш асосини ўргатишидир. Унинг ўлчамларини ҳисоблашер ости иншоотларини ва ер юзасида бунёд этиладиган корхонанинг фаолияти учун зарур бўлган бино иншоотларни оптимал ўлчамларини аниқлаш йўлларини ҳам ўргатишидир.

2. Янги шахта ва рудникларни қуриш ва ишлаб турган кончилик корхоналарини кенгайтириш ва қайта жиҳозлаш ишларини лойиҳалаш учун шу ҳудуддаги мавжуд фойдали қазилма заҳиралари А, В ва С категориялари бўйича давлат захира комиссияси томонидан тасдиқланган бўлиши шарт. Шундан сўнг корхона ёки ташкилот шу қазилма бойлик конларидан фойдаланиш учун маҳсус давлат органидан ер ости конларини ишлатиш учун, ер остидан фойдаланиш хуқуқини берувчи давлат ташкилоти ёки органидан лицензия олганидан сўнг, лойиҳалашга хуқуқ берувчи лицензияси бўлган лойиҳалаш институти ёки лойиҳалаш ташкилоти билан шу кончилик корхонасини ёки шахта рудникларини лойиҳалашга топшириқ берган буюртмачи билан лойиҳалаштирувчи институт ёки ташкилот ўртасида келишув шартномаси тузилиб, расмийлаштирилганидан сўнг шартнома кучга киради. Буюртмачи белгиланган тартибда давлат органлари томонидан берилган ер ости фойдали қазилма конларидан фойдаланишга хуқуқ берувчи лицензияси бўлган: вазирлик, акциядорлик жамият ва жисмоний шахслар бўлиши мумкин. Уларда фойдали қазилма конларини қазиб олиш шартшароитлари битилган лицензия билан бирга тузилган контракти ҳам бўлиши керак.

Бизнесс - режа ёки техниковий-иктисодий кўрсаткичлари асосланган ТИО (ТЭО) тузилиб, фойдали қазилма конини қазиб олишни иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлиги ва ҳалқ хўжалигига зарурлиги, қазиб олишга техниковий имкониятлари етарли бўлган буюртмачи билан лойиҳалаш институти – Бош лойиҳачини бевосита иштирокида лойиҳалашга топшириқ тузади, суб-пудратчи сифатида маҳсус лойиҳалаш ташкилотларини лойиҳалаш ишига жалб қиласидан бўлса, топшириқ тузишда ҳисобга олиниб, уларнинг номлари кўрсатилади. Бош лойиҳачи эса одатдагидек, лойиҳани технологик қисмини ишлаб чиқарувчи лойиҳалаш ташкилоти ҳисобланади.

Буюртмачи топшириқ билан бирга лойиҳаловчи институтга фойдали қазилма конини ишлатишга хуқуқ берувчи лицензия ва кончилик иши учун ажратилган ер ости майдонини ўлчами ҳақидаги далолатномани (горноотводный акт) ва қазиб олиш шартшароитлари белгиланган контракт

ва туман, вилоят ҳокимиятини қурилиш майдонини танлаш, ва ер майдонини ажратиб бериш ҳақидаги қарори ҳам қўшиб топширилади .

Буюртмачи лойиҳалаш ишларини ўз вақтида бажарилиши ва унинг сифати устидан назорат ўрнатади ва тайёрланган лойиҳаларини смета хужжатларини қабул қилиб олади. Бундан ташқари лойиҳага буюртма берувчи ташкилот ёки шахс ўз вақтида белгиланган муддатда топшириқномани бериши, бошланғич маълумотлар ҳақидаги хужжатларни ва бажарилган лойиҳаланган обьектларга таълуқли ишларни ўз вақтида ҳисоб китоб қилиб, шартнома сметадаги белгиланган ҳақини тўлаб туришга жавобгардир.

Кончилик корхонасини бино ва иншоотларини лойиҳалаш ишлари бир босқичда (ишчи лойиҳа, жамланган смета қийматида ҳисобланган хужжатлар) ёки икки босқичли ( биринчи давридаги лойиҳа билан бирга жамлама смета ҳисоби, иккинчи босқичда эса – ишчи хужжатлари) тайёрланиб буюртмачига топширади.

3. Конни қазиб олиш саноат корхонаси лойиҳасини ишлаб чиқариш Давлат тизими томонидан ишлаб чиқилган ва тасдиқланган лойиҳалаш ва қурилиш меъёрий хужжатларига мувофиқ ишланади.

Меъёрий хужжатлар саноат обьектларини лойиҳалаш ва қурилишида ягона талаблар ўрнатиш учун хизмат қиласи. Бу хужжатлар қурилиш сифатини яхшилаш, қуриш муддатини қисқартириш, смета нархини камайтириш (арzonлаштириш), атроф муҳитни муҳофазалаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш имконини беради.

Булардан ташқари меъёрий хужжатлар лойиҳалашни асосий йўналишини ва лойиҳада прогрессив ечимлар қабул қилиш имконини яратиб, технологик жараёнларни механизациялаш, автоматлаштириш ва қурилишни ташкил этишда илгор усувларни қўллашга имкон беради.

Лойиҳалашнинг меъёрий базаси: Давлат стандартлари, ҳар ҳил меъёрий хужжатлари ва директив кўрсатмалардан ташкил топади.

Директив хужжатларга Ўзбекистон Республикаси президентини фармонлари ва бошқа лойиҳалаш ишларига ва фойдали қазилма конларини ишлатишга таълуқли бўлган хужжатлар киради. Масалан, Ўзбекистон Республикасини Ер ости бойликларидан фойдаланиш ҳақидаги 13.12.2002 №444-11 сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси вазирлар маҳкамаси раисининг қонун кучига эга бўлган Лицензиялаш ҳақидаги 12.05.2001 №222-11 сонли қарори, Ўзбекистон Республикасини ҳукумати томонидан 22.05.2006й №92 сонли қарори билан тасдиқланган экспертизалаш ҳақидаги қарори, Ўзбекистон Республикасини ишлаб чиқаришни хавфли обьектларида

саноат «хавфсизлиги ҳақидағи» 28.09.2006 йилдаги №3 РУ-57 рақам билан тасдиқланған давлат қонуни. Меъерий ҳужжатларга, идора, бошқарма, вазирликтарни конни қазиб олиш саноат тармоғини ва бошқа назорат тармоқларни конларни қазишиш ишларига тегишли бўлган ҳужжатлари ҳам киради.

Кўрсатилган ҳужжатлардаги талабларга, кончилик корхоналарини лойиҳалашда тўлиқ риоя қилиниши шарт.

Бундай ва шунга ўхшаш ҳужжатлар бўлмаганида «Госстрой» қурилиш меъёри ва қоидаси (СНиП) ва аввалги умумиттифоқ технологик Лойиҳалаш меъёри (ОНТП) дан фойдаланиш тавсия этилади, агар бу ҳужжатлар Ўзбекистон Республикасини мавжуд меъерий ҳужжатларига зид бўлмаса. Қурилиш меъёри ва қанидаси (СНиП) олти қисмдан иборат бўлиб, унинг ҳар бир қисими гуруҳларга бўлинади. Масалан: икки қисмли лойиҳалаш меъёри, 12 гуруҳдан иборат меъерий ҳужжатларга эга. Шулар жумласидан, 09 гурухи ҳам саноат корхонасини, ишлаб чиқариш бинолари ва иншоотлари унга ер ости кон лаҳмларини лойиҳалаш, қурилиш меъёри ва қоидалари ҳам киради.

Қатор ишлаб чиқариш жараёнларини лойиҳалаш, кон қазиши саноатининг ҳар хил тармоқ ва рудниклари учун умумийдир. Масалан, шахтани кўтариш қурилмаси, ер ости транспорти, конни шамоллатиш, ер ости сувни чиқариб ташлаш ва бошқалар. МДҲ давлатлари томонидан қабул қилинган, лойиҳалашдаги ягона технологик меъерий ҳужжат асосида лойиҳаланади. Бошқарма (тармоқ) меъерий ҳужжатларига: эталонлар, ишлаб чиқарилаётган лойиҳа-смета таркибини аниқловчи ҳужжатлар, тармоқ томонидан ишлаб чиқарилган хавфсизлик қоидаси, техникавий эксплуатация қилиш қоидаси, айrim ишлаб чиқариш жараёнларини лойиҳалашдаги эътибор бериладиган ҳар хил ҳужжатлар ҳам киради (шамоллатиш бўйича, шахтада дегозациялаш ишлар олиб борилиши бўйича, транспорт бўйича ва бошқа ҳужжатлар). Масалан рангли металлургия корхоналарида рудани ер ости усулида қазиб олишни лойиҳалаш технологик меъёри. Шунга ўхшаш меъерий ҳужжат қора металлургия, кўмир, кон-кимё саноати тармоқларида ҳам мавжуд.

Кон қазиб олиш саноати корхоналарини лойиҳалаш учун қўлланиш шарт бўлган ҳужжатлар: кон техника давлат назорати инспекцияси, санитария инспекцияси, давлат стандартлаш ва гидрометерология вазирлик, Департаментларнинг қоида ва меъерий ҳужжатларига ҳам риоя қилиб лойиҳалаш шарт бўлган талаблардир.

1. Кончилик корхонасининг лойиҳасида қуйидаги асосий масалалар ўз ечимини топади: шахта майдони доирасидаги саноат захирасини чегараси,

йиллик қазиб чиқариш қуввати, шахтани хизмат қилиш муддати ва рудникни ишлаш режими, конни очиш усули, шахта майдонини ишга тайёрлаш, фойдали қазилмани қазиб олиш технологияси, қазиб олиш тизимидаги ишларни ва тайёрловчи лаҳимлар ўтказишни механизациялаширишни ечими, кон транспорт воситалари ва схемаси, шу жумладан ствол олди лаҳимларидаги, ер юзасидаги трансопрт, кўтариш қурилмаси, шамоллатиш, шахтадан сизод сувни чиқариш, электр энергия таъминоти, пневматика хўжалиги, корхонани автоматик тизимда бошқариш, атроф муҳитни муҳофазаси, қурилишни смета нархи ва техниковий-иқтисодий кўрсаткичлари, меҳнат унумдорлиги, қазиб чиқарилган маҳсулотни тан нархи, рентабеллиги, механизация ва автоматизациялаш даражаси, капитал қўйилмаларни иқтисодий самарадорлиги ва бошқалар, кончилик корхонани эксплуатацияга топширилганидан кейин лойиҳадаги қазиб чиқариш қувватига чиқиши муддати, қурилиш даврларини давомийлиги лойиҳада ўз ечимини топади. Лойиҳадаги варианtlар ечимиға таалуқли материаллар, тавсия этилган вариантидан ташқариси лойиҳа таркибига киритилмайди, агар зарурат ёки эҳтиёж бўлиб қолса экспертиза ёки лойиҳани тасдиқловчи инстанцияга тақдим этилади. Лойиҳага буюртма бериладиган ускуналар спецификацияси илова қилинади. Шу спецификацияга мувофиқ технологик, энергетик, кўтариш ва ташувчи транспорт воситаларига, насослар-компресорлар ва бошқа ускуналарга ҳам буюртмалар рўйхатга киритилади.

2. Корхонани бино ва иншоотларни қуриш учун ишчи лойиҳа ҳужжатларни асосий лойиҳага мувофиқ ишлаб чиқаради.

Кончилик корхонасини қуриш учун ишчи ҳужжатлари таркибига қўйидаги ҳужжатлар киради:

1. Ишчи чизмалар, ГОСТ ва қурилишдаги лойиҳа ҳужжатлар тизими (ҚЛХТ)га мувофиқ ишлаб чиқарилади. Сметалар СНиП 1.02.01-85 белгиланган тартибига кўра қурилишини смета нархини аниқлигига хизмат қилувчи услубий кўрсатмага асосланиб йиғма смета ҳисоблари тузилади.
2. Қурилиш-жамлаш ишлар ведомости ва қурилишга сарфланадиган материалларни йиғма (жамлами) ведомости, ишга тушириладиган бино ва иншоотларни қурилиш лойиҳа, смета ҳужжатлари.
3. Якка тартибда (индивидуал) ишлаб чиқариладиган ускуна –дастгоҳларни конструкторлик ҳужжатларини тайёрлаш учун буюртма тавсияномаси (заказное спецификация) ГОСТ 21-40-82 ускуналар тавсивномасида белгиланган шаклда тузилган бўлиши керак.

4. Ишчи чизмалар - асосий ҳужжат бўлиб, шу ҳужжатга мувофиқ кончилик ишлари, қурилиш жамлаш ва маҳсус ишлар амалга оширилади. Буюртма спецификасиясини жойлаштириш учун материаллар ва яна чет мамлакатлардан келтириладиган ускуналар рўйхати (ведомости) ва стандартлаштирилмаган ускуналар, асбоблар, арматуралар, кабель ва бошқа серийно ишлаб чиқариладиган буюмлар рўйхати ҳам лойиҳага илова қилинади .

Лойиҳани бўлимларида, жавобгар шахсларни имзоси бўлиши керак: титуль вараги умумий тушунтирувчи баённома, техникавий-иктисодий кўрсаткичлар қисми ва бош режа. Лойиҳалаган институтни директори, бош мухандиси (ёки лойиҳалаган ташкилотни раҳбарлари) ва лойиҳани бош мухандиси, чизмаларни, қайси вазимодули бажаришидан қатъий назар, бўлим бошлиги ва ижрочи томонидан имзоланади.

Счёт ҳужжатлари, тавфсифномаси ва рўйхати (ведомостьлар) – ҳужжатда кўрсатилган шаклда мансабдор шахслар томонидан имзоланади.

Лойиҳалаш ташкилоти – бош лойиҳаловчи, буюртмачига лойиҳани 4 нусхада топширади, маҳсус лойиҳаловчи суб-пудратчи ташкилот, бош лойиҳачига тайёрлаган лойиҳаларини 5 нусхада топширади.

Ишчи чизмалар умумий кўриниши бўйича (планда ва кесимини юзаси) ва деталлаштирилган чизмаларга бўлинади.

Ишчи чизмалар таркибига киритилиши зарур бўлган ҳужжатлар:

- бош саҳифа, чизмалар рўйхати билан;
- конни очиш чизмалари, шахта майдонини тайёрлаш, қазиб олиш тизимини чизмалари, шахта стволини ускуналаш (армировкалаш) ва кон лаҳмларини мустаҳкамлаш чизмалари, ствол олди лаҳмларини чизмалари, транспорт тизими( юкловчи пунктлар) қайта юкловчи ва жўнатувчи қурилма ва иншоотлар, техника хавфсизлигини таъминловчи қурилмаларнинг чизмалари ҳам киради.
- конни қазиб олиш тақвимий режаси;
- бош режани чизмалари, унда ер ости ва ер усти коммуникациялари, транспорт йўллари, ҳудудини қўкаламлаштириш ва ободонлаштирилиши керак бўлган жойлар-маҳсус белгилар билан чизмаларда қайд қилинган бўлиши керак.
- қурилиш майдони шароитига боғланган намунавий ва қайта қўлланиладиган иқтисодий самарали лойиҳаларни қўллаш.
- технологик план ва чизмалар кесишишида унга технологик, транспорт, energetik ва бошқа ускуналар киритилиб қайд қилинган бўлиши лозим.

- технологик қувурлар, энергия таъминотининг тармоқлари ва қурилмалари автоматлаштириш, алоқа, сигнализация, сув қувурлари, канализация, иссиқлик тармоқлари, шамоллатиш, газ таъминоти, ҳавони кондиционерлаш ва бошқа схемалари кўрсатилган бўлиши керак.
- чизмаларни умумий кўринишида бино ва иншоотларни ва коммуникацияларни бир-бири билан ўзаро боғланиши, ускуна дастгоҳларини жойлашиши кўрсатилган бўлиши керак. Яъни металл конструкцияларни ўлчамлари ва жамлаш схемалари кўрсатилади. Умумий кўриниш кўрсатилган чизмаларда деталлаштирилган чизмалар рўйхати бўлиши керак. Деталлаштирилган чизмада эса барча деталлар ва элементларнинг ўлчамлари ва спецификацияси кўрсатилади.

Ишчи чизмаларни тузишда маҳсус маҳсулотлар каталогини алоҳида қўллаш, стандарт ва намунавий чизмалар, намунавий лойиҳа ечимлари ва яна шу лойиҳаланаётган корхонага ўхшаш корхонани қуришда ишлаб чиқарилган чизмалардан фойдаланиш назарда тутилади.

Металлоконструкцияни ишчи чизмаси унинг КМ поғонасида (умумий кўриниши) лойиҳаловчи институт томонидан ишлаб чиқарилади. КМД поғонасида (деталлаштирилган чизмаси) ушбу металлоконструкцияни ишлаб чиқарувчи завод ёки заводнинг буюртмасига мувофиқ лойиҳалаш ташкилоти чизиб ишлаб чиқариши мумкин.

Ишчи чизмани умумий кўринишида, чизмани муаллифини бўлим ёки сектор бошлигини, лойиҳани бош муҳандисини, деталлаштирилган чизмада эса чизма муаллифини ва бўлим бошлигини ҳам имзоси бўлиши шарт.

Ишчи чизмалар лойиҳаловчи ташкилот томонидан буюртмачига тўрт нусхада берилиши керак. Келгуси йилда режаланган қурилиш ишлари ҳажмини, қуриб амалга ошириш учун керак бўлган ишчи чизмалар ўтган йилни биринчи июлига қадар буюртмачига топширилиши шарт. Буюртмачи эса бош пудратчига материаллар спецификацияси билан бирга ишчи чизмаларни ҳам топшириши керак.

3. Лойиҳани смета қисмида (ишчи лойиҳада) рудникни қурилиш нархини жамлама смета ҳисоблари келтирилади, қуриладиган алоҳида объектларни смета нархини ҳисоби, ускуна ва дастгоҳларни сотиб олиш, жамлаш ва ўрнатишга сарфланадиган ҳаражатлар, алоҳида ишлар учун нархлар бирлиги ва бошқалар ишлаб чиқилган бўлиши керак.

Смета хужжатлари лойиҳаланаётган ёки қайта ускуналайтган рудникни баҳосини (нархини) аниқлаш учун тузилиб, қўйидаги материаллардан иборат бўлади.

Жамлама (йиғма) смета алоҳида объектлар ва ишлар тури бўйича тузилган сметалардан ташкил топади. Унда белгиланган шаклда корхона қурилишини умумий нархини ҳисоби, техникавий (техника-ишчи) лойиха асосида олинади. Жамлама смета икки қисм ва боблардан иборат.

Жамлама смета харажатлари ва алоҳида объектлар ва ишларни тури бўйича белгиланган шаклда тузилади, «саноат корхоналарини сметаларини лойиҳалаш учун тузилган маҳсус йўриқнома» га мувофиқ ишлаб чиқилади.

Алоҳида объектларни қуриш смета нархи №2 шаклда кўрсатилган тартибда тузилиб, сметанин умумий қиммати, назарда тутилмаган ишлар ҳисобидан аниқланади.

## Шакл – 2

I-қисм	Харажатлар тури (статья)
1	2
Боб I. Рудникни қуриш майдонини тайёрлаш	Ер участкасини ажратиш, қурилиш майдонидаги мавжуд бино, иншоотлардан тозалаш ва улардан кўрилган зарарини қоплаш, майдонни текислаш, сувсизлантириб қуритиш ва бошқалар. Кон капитал лаҳимлари, тайёрловчи лаҳимлар, кончилик ишларни механизациялаш, шахта ичи транспорти, кўтариш қурилмаси, ер юзасидаги транспорт ва руда омборлари ва бошқалар.
Боб II. Ишлаб чиқариш ишларига мўлжалланган объектлар.	Кон – капитал ва тайёрловчи лаҳмлар ўтказиш ишларини механизациялаш, шахта ичидаги транспорт, кўтариш қурилмаси, ер юзаси транспорти, руда омборлари.
Боб. III. Ёрдамчи ва чиқаришга хизмат қилишга мўлжалланган объектлар.	Ер остидаги сизот сувни шахтадан чиқариб ташлаш, шамоллатиш, қазилма бойликларини қазиб олишдан хосил бўлган бўшликларни тўлдиришга хизмат қилувчи хўжалик (цехи), техника хавфсизлиги, саноат санитарияси хар хил, устахоналар, маъмурий-маъиший комбинат, омборлар, ишчиларга хизмат кўрсатувчи маданий маъиший иншоот, бинолар, ошхона, клуб, медицина пункти ва бошқа объектларни қуриш харажатлари ва бошқалар.

Боб IV. Энергетика хўжалигининг объектлари.	Электр энергия, пневматика, иссиқлик энергиси билан таъминловчи объектлар.
Боб V. Транспорт хўжалиги объектлари.	Темир йўл хўжалиги, корхонага келтириладиган автомобил йўллари ва телефон алоқаси.
Боб VI. Сув қувурлари, оқава (канализация), иссиқлик ва газлаштириш.	Ташқи сув қувурлари, канализация, иссиқлик манбалари ва газ таъминоти.
Боб VII. Саноат майдончасини ободонлаштириш.	Шахтани саноат майдонига келтирилган йўл, кўкаламлаштириш, тўсиклар ўрнатиш, оқова сув ариқчаларини қуриш.
Боб VIII. Ҳар хил ишлар.	Илмий изланиш ишлари, геология разведка маркшайдерлик ишлари.
II қисм	Ҳаражатлар тури
Боб IX қурилаётган корхона дирекциясини сақлашга сарфланган харажатлари.	Қурилаётган корхона дирекциясини сақлашга сарфланадиган молиявий харажатлар
Боб X кадрлар тайёрлаш	Кадрлар тайёрлашга сарфланадиган жами харажатлар.
Боб XI лойиҳалаш ва қидирув ишларга сарфланадиган харажатлар (% умумий суммадан)	Лойиҳалаш учун, геологик қидирув ишлар харажатлари.
Боб XII кутилмаган харажатлар	Кутилмаган, назарда тутилмаган харажатлар.

№3 шаклдаги смета-қурилишни алоҳида тури ва маҳсус ишлар учун тузилади. Хусусан бу шаклдаги сметада қурилиш учун ажратилган майдонни шу ердаги қурилмалардан тозалаш ишлари олиб боришда сарфланадиган харажатларини қоплаш, ишчи кучларини тўплаш учун сарфланадиган харажатлари ва ҳукумат қарорлари билан белгиланган имтиёзлар, қўшимча тўловлар ҳам киритилади.

№4 шаклдаги смета, алоҳида объектларга ускуналар сотиб олиш жамлаш ва ўрнатишга сарфланадиган ҳаражатлар киритилади.

Уй-жой қурилишига сарфланадиган ҳаражатлар эса №1а шаклдаги алоҳида ёки жамлама сметада берилади.

Алоҳида объектлар, сметалар (бино, иншоот, кон лаҳимлари ва бошқалар) лойиҳаланаётган корхона комплекси таркибиға киравчи иншоотлар қўйидаги шаклларда келтирилади .

Ягона нархлар тўпламида ва ускуналарни жамлаб ўрнатиш, корхонада йўқ бўлган қурилиш жамлаш ишлари ва ускуналарни ўрнатиш сметалари №5 ва №5а шаклдаги ягона нархнома ва ягона нархнома каталогига (улар мавжуд бўлмаса келишилган нархга) мувофиқ тузилади агар шу тизим мавжуд бўлса.

Барча турдаги ҳаражатларни аниқлаб ҳисоблаш асосида жамлама (ийфма) смета молиявий ҳисоби тузилади, унда қурилиш даврида ўтказиладиган илмий изланиш (текшириш) ишларига сарфланадиган ҳаражатлари ҳам назарда тутилади ва яна кутилмаган ишларга сарфланадиган маблағлар ҳам резервга олинади. №3 шаклда объект қошидаги омборга келтирилганича бўлган материал ва маҳсулотлари нархини колькуляцияси ва №7 шаклда эса транспорт ҳаражатларини колькуляцияси берилади. Лойиҳалаш учун изланиш ишларини сметаси, шундай ишларга смета тузиш ҳақидаги маҳсус йўриқномага мувофиқ равишда тузилади. Илмий – изланиш ва экспериментал тажриба ишлар нархини смета ҳисоби №3 шаклга мувофиқ тузилади.

Аниқланган барча ҳаражатлар асосида жамлама молиявий-смета ҳисоби тузилади. Бу жамлама сметага қурилиш давридаги изланишларга сарфланадиган ҳаражатлар ва кутилмаган сметаларда назарда тутилмаган ишларни бажариш учун резерв маблағ миқдори ҳам жамлама – смета миқдоридан келиб чиқсан ҳолда белгиланади.

Смета қисми материаллари асосида қурилишнинг умумий баҳоси (капитал қўйилмалар) ва 1т йиллик қазиб чиқарадиган рудани таннархи (солиширма капитал қўйилмалар) аниқланади.

Смета тузиш учун қўйидаги бошланғич маълумотлар асос бўлиб хизмат қилади:

1. Лойиҳада техник ҳисоблар асосида аниқланган ишлар ҳажми.
2. Ишчи кучи, материаллар сарфлаши меъери ўлчами, устама ҳаражатлар, механизмлар ишлашини регламентловчи меърий миқдори (машина/соат).

3. Мәхнатта ҳақ түлаш ставкаси ҳар хил қўшимчалар ва коэффициентлар билан бирга
4. Олинадиган махсулотни сотилиш нархи, буни ишлаб чиқариш учун сарфланган материаллар (транспортда ташиб келтириш, уларни юклаш, юкни тушириш нархи билан бирга), электр энергия, еқилғи материаллар, сув ва сиқилган  $1\text{m}^3$  ҳавонинг нархи билан бирга.
5. Лойиҳалашни техннологик меъёри ва бошқалар:
6. Йириклиштирилган қурилиш меъёрий хужжати (УСН)
7. Туман бўйича ягона баҳолаш бирлиги (ЕРЕР)
8. Ягона меъёrlар ва таъриф даражасини баҳоловчи тариф справочники (ЕН и Р ва ТКС)
9. Қурилиш ишлари тизимини тасдиқлашга тақдим этишдан аввал, лойиҳа буюртмачиси лойиҳаловчи институт иштирокида қурилиш ишлари бошланмасдан 30 кун аввал, катта қурилиш объектлари учун 45 кун аввал, бош пудратчи билан келишилган бўлиши шарт.

Лойиҳани иқтисодий қисмида (ишчи лойиҳада) қурилишга сарфланадиган капитал қўйилмалар (миқдори жамлама смета) талаб этиладиган ишчи хизматчилар сони ва мәхнат ҳаки фонди, 1т рудани таннархи ҳисоби, олинадиган фойда миқдори, корхонани рентабеллиги ҳақидаги ҳисоб-китоб маълумотлари келтирилади.

Қабул қилинган кон ишлари технологияси бўйича лойиҳаланаётган руда конини қазиб олиш мақсадга мувофиқлигини асослаш натижалари келтирилади. Шу хужатда транспорт йўли, энергетика ресурслари, кадрлар билан таминланиш даражаси, капитал қуйилмаларини иқтисодий жиҳатдан самарадорлиги ва ишлаб чиқаришни рентабелилиги ҳақидаги маълумотлар ҳам келтирилади. Лойиҳани иқтисодий қисмида мамлакатдаги ва хорижий мамлакатлардаги рудникларни ишлатишда эришилган техник-иктисодий кўрсаткичлар, қуриладиган рудникни самарадорлигини солишириб (таққослаб) ҳисоблаган маълумотларни натижалари ҳам келирилади.

### **Назорат своллар:**

1. Кончилиқда портлатиш деб нимага айтилади?
2. Руда фаолияти нимадан иборат?
3. Рудаларни лойиҳалашнинг аҳамияти нимадан иборат?
4. Рудаларни лойиҳалаш неча боскичда амалга оширилади?
5. Лойиҳалаш ишлари қайси меъёрий хужжатларга асосланади?
6. Лойиҳалашда қандай замонавий усувлардан фойдаланилади?

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Шестаков В.А. Проектирование горных предприятий. Учебник. М.: МГГУ, 2003. - 800 с.
2. Пешкова М.Х. Экономическая оценка горных проектов. М.: МГГУ, 2002. - 422 с.
3. Сагатов Н.Х. Кон иши асослари. Ўқув қўлланма. Тошкент: ТДТУ, 2005. –212 б.
4. Сагатов Н.Х., Меликулов А.Д., Шамирзаев Х.Х. Фойдали казилма конларини ер ости усулида қазиш. Ўқув қўлланма. Тошкент, ТДТУ, 2004. –170 б.
5. Картозия Б.А., Корчак А.В., Мельникова С.А. Строительная геотехнология. М.: МГГУ, 2003.– 231 с.
6. Картозия Б.А., Малышев Ю.Н., Федунец Б.И. и др. Шахтное и подземное строительство. Том1. М.: МГГУ, 2003. 732 с; Том2. М.: МГГУ, 2003. 815 с.
7. Шилин А.А. Освоение подземного пространства (зарождение и развитие). М.: МГГУ, 2005.– 305 с.

## ТЕСТ САВОЛЛАРИ

**1. Тоғ жинсининг портловчанлиги нима?**

- А) Портлаш даврида тоғ жинсини бузилишга кўрсатадиган қаршилиги
- Б) Бурғилаш даврида тоғ жинсини бузилишга кўрсатадиган қаршилиги
- В) Портлаш даврида тоғ жинсини бузилиши.
- Г) Тоғ жинсининг қаттиқлиги.

**2. Тротилни кимёвий формуласини аниқланг?**

- А)  $\text{H}_2\text{O C}_5\text{N}_6\text{O}_4$
- Б)  $\text{C}_5\text{H}_4\text{N}_6\text{O}_4$
- В)  $\text{C}_7\text{H}_5\text{N}_3\text{O}_6$
- Г)  $\text{C}_2\text{H}_2\text{N}_6\text{O}_4$

**3. Узунлиги диаметридан тўрт баробар катта бўлган зарядларни қайси кўринишдаги зарядлар дейилади?**

- А) Фигурали
- Б) тупланган
- В) чўзинчоқ
- Г) чўзинчоқ тарқоқ

**4. Уйик (вруб) нима вазифани бажаради?**

- А) Портлашга ёрдам беради
- Б) Қўшимча юза очади
- В) Тоғ жинсини майдаланишига ёрдам беради
- Г) Тоғ жинсини юмшатади.

**5. Физикавий таркиби бўйича кончилик ишларида қайси портловчи моддалар кенг қўлланилади?**

- А) Суюқ моддалар
- Б) Қаттиқ моддалардан ташкил топган бирикма ва аралашмалар
- В) Суюқ ва қаттиқ моддалар аралашмалари
- Г) Газ ва қаттиқ модда аралашмалари.

**6.  $R=L_m r_m + L_k r_k + L_y r_y + n r_g$  формуласи бўйича электр детонаторларни бирлаштириши тармоғининг қаршилик миқдори аниқланади?**

- А) Жуфт-кетма-кет бирлаштиришнинг
- Б) Параллел-дастасимон бирлаштиришнинг
- В) Параллел бирлаштиришнинг
- Г) Кетма-кет бирлаштиришнинг.

**7. Ҳозирги вақтда кон ишларини олиб бориша қайси бурғилаш усули кенг қўлланилади?**

- А) Портлатиб бурғилаш
- Б) Зарбали бурғилаш
- В) Оловли бурғилаш
- Г) Механик бурғилаш.

**8. Шпур деб нимага айтилади?**

- А) Диаметри 75 мм гача, узинлиги 5 метргacha бўлган цилиндрик ўйиқликга.
- Б) Диаметри 70 мм гача, узинлиги 6 метргacha бўлган цилиндрик ўйиқликга.
- В) Диаметри 65 мм гача, узинлиги 7 метргacha бўлган цилиндрик ўйиқликга.
- Г) Диаметри 60 мм гача, узинлиги 8 метргacha бўлган цилиндрик ўйиқликга.

**9. ЭД қайси улаш схемасида ишончли портлайди?**

- А) Жуфт-параллел бирлаштириш схемаси
- Б) Кетма-кет бирлаштириш схемаси
- В) Параллел бирлаштириш схемаси
- Г) Кетма-кет-параллел бирлаштириш схемаси.

**10. Электр пармалар билан бурғулаш кон жинсларининг қаттиқлик коэффициенти қанча бўлмагунича қўлланиш мумкин?**

- А)  $f = 4$  гача
- Б)  $f = 7$  гача
- В)  $f = 10$  гача
- Г)  $f = 14$  гача.

**11. Электр усулида портлатиш воситалари нималардан иборат?**

- А) ЭД, симлар, ток манбаи.
- Б) ЭД, ОШ, ёндириш воситалари.
- В) ЭД, ДШ, ёндириш воситалари.
- Г) КД, ДШ, ёндириш воситалари.

**12. Энг қисқа қаршилик масофаси нима?**

- А) Заряд марказидан очиқ юзагача бўлган энг қисқа масофа.
- Б) Заряд марказидан очиқ юзагача бўлган энг узин масофа.
- В) Заряд марказидан ёпиқ юзагача бўлган энг қисқа масофа.
- Г) Заряд марказидан ёпиқ юзагача бўлган энг узин масофа.

**13. Энг куб камчиликка эга бўлган электр портлатиш тармоғини йиғишини кўрсатинг?**

- А) параллел йиғишда
- Б) кетма-кет йиғишда
- В) кетма-кет-параллел йиғишда
- Г) параллел-кетма-кет йиғишда.

**14. Юзаки зарядлар нима учун қулланилади?**

- А) Тоғ жинсини массивдан ажратиш учун
- Б) Массивни юмшатиш учун
- В) Харсангларни (негабарит) майдалаш учун
- Г) Отқин ҳосил қилиш учун.

**15. Электроловли портлатиш қандай конларда рухсат этилади?**

- А) Газ ва чанга хавфсиз шахта ва карерларда
- Б) Газ ва чанга хавфли шахта ва карерларда
- В) Шахталарда
- Г) Карерларда.

**16. Портлатиш ишлари қандай хужежат асосида олиб борилади?**

- А) Кон қазиши ишлари лойихаси асосида
- Б) Бурђилаш портлатиш ишлари паспорти асосида
- В) Шамоллатиш ишлари паспорти асосида
- Г) Мустаќкамлаш ишлари паспорти асосида.

**17. Портлатиш ишларидан кейин кавжой неча минут шамоллатилади?**

- А) Ер остида 45 мин. Очиқ конларда 30 мин
- Б) Ер остида 60 мин. Очиқ конларда 45 мин
- В) Еро стида 15 мин. Очиқ конларда 5 мин
- Г) Ер остида 30 мин. Очиқ конларда 15 мин.

**18. Тоғ жинсини махкамлиги нима?**

- А) Тоғ жинсини ташқи таъсирларга қаршилик күрсатиши
- Б) Тоғ жинсини ташқи таъсирларга қаршилик күрсатмаслиги
- В) Тоғ жинсини массив холатда бўлиши
- Г) Тоғ жинсини массив холатда бўлмаслиги.

**19. Энг қисқа қаршилик масофаси нима?**

- А) Заряд марказидан очиқ юзагача бўлган энг қисқа масофа.
- Б) Заряд марказидан очиқ юзагача бўлган энг ўзоқ масофа.
- В) Заряд остидан очиқ юзагача бўлган энг ўзоқ масофа.
- Г) Заряд устидан очиқ юзагача бўлган энг ўзоқ масофа.

**20. Зарбли тулқин нима?**

- А) Муҳитда овоз тезлигидан тез тарқаладиган сиқилган турқин.
- Б) Муҳитда овоз тезлигидан секин тарқаладиган сиқилган турқин.
- В) Муҳитда овоз тезлигига тарқаладиган сиқилган турқин.
- Г) Муҳитда ёруঢлик тезлигига тарқаладиган сиқилган турқин.

**21. Кончилика портлатиш деб нимага айтилади?**

- А) ПМ ёрдамида тоғ жинсини майдалаб маълум бир масофага харакатлантиришга
- Б) Ток ёрдамида тоғ жинсини майдалаб маълум бир масофага харакатлантиришга
- В) Нур ёрдамида тоғ жинсини майдалаб маълум бир масофага харакатлантиришга
- Г) Ёргулик ёрдамида тоғ жинсини майдалаб маълум бир масофага харакатлантиришга.

**22. Долото нима?**

- А) Тоғ жинсини майдалайдиган инструмент
- Б) Тоғ жинсини портлатадиган инструмент
- В) Тоғ жинсини бириктирадиган инструмент
- Г) Тоғжинсини юклайдиган инструмент.

**23. ПМ ва ПВ биргаликда ташилган неча кг бўлади?**

- А) 12
- Б) 24
- В) 36
- Г) 48

**24. Қайси ПМлар сувда чуктирилади?**

- А) Сувга чидамсиз аммиак селетрали ПМ
- Б) Сувга чидамли аммиак селетрали ПМ
- В) Сувга чидамли аммиак селетрали ПМ
- Г) Сувга чидамли аммиак селетрасиз ПМ

**25. ПМ таркибига туз нима учун киритилади?**

- А) Портлашдаги учқунни сундириш учун.
- Б) Портлашдаги учқунни жонлантириш учун.
- В) ПМ таркибидаги сувни ёъқ қилиш учун.
- Г) Портлашдаги газни сундириш учун.

**26. Детонацияловчи шнур нима?**

- А) Кузғатиш воситаси
- Б) Портлатиш воситаси
- В) Ёрдамчи восита
- Г) Портловчи модда.

**27. Тиқин нима вазифани бажаради?**

- А) Портлаш кучидан самарали фойдаланиш учун
- Б) Яхши майдалаш учун
- В) Яхши улоқтириш учун
- Г) Яхши бурғилаш учун.

**28. Титратма портлатиш қачон қўлланилади?**

- А) Массивда дарзлик хосил қилиш учун
- Б) Массивни бутин ушлаш учун
- В) Массивни қўлатиш учун
- Г) Массивни бузиш учун.

**29. Қозонли заряд қачон қўлланилади?**

- А) Шпурли зарядда самарага эришиб бўлмаса
- Б) Шпурли зарядда самарага эришиб бўлса
- В) Скважинали зарядда самарага эришиб булмаса
- Г) Скважинали зарядда самарага эришиб бўлса.

**30. Гексоген биринчи бор қачон қўлланилган?**

- A) 1920
- Б) 1999
- В) 2000
- Г) 2001

## **НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ**

1. Корхона лойиҳаси қандай бўлимлардан иборат?
2. Ишчи хужжатларга нималар киради?
3. Қурилишни ташкил этиш лойиҳаси сметасини айтинг?
4. Гексоген биринчи бор қачон қўлланилган?
5. Тротил биринчи бор қачон қўлланилган?
6. Тигин нима вазифани бажаради?
7. Кончилиқда портлатиш деб нимага айтилади?
8. Руда фаолияти нимадан иборат?
9. Рудаларни лойиҳалашнинг аҳамияти нимадан иборат?
10. Рудаларни лойиҳалаш неча босқичда амалга оширилади?
11. Лойиҳалаш ишлари қайси меъёрий хужжатларга асосланади?
12. Лойиҳалашда қандай замонавий усуллардан фойдаланилади?

## **МАЛАКАВИЙ ИШ МАВЗУЛАРИ**

1. Шахта ва рудникларни лойиҳалаш асослари.
2. Ўзбекистонда кончилик соҳасини ривожланиши борасида олиб борилаётган янгиланишлар.
3. Лойиҳалаш ва лойиҳалашнинг меъёрий базаси.
4. Корхона лойиҳасининг мазмуни.
5. Корхона лойиҳаси ишчи хужжатларини расмийлаштириш.
6. Лойиҳалашда компьютер технологияларидан фойдаланиш.
7. Ҳозирги кунда корхоналарни лойиҳалашнинг самарали йўллари.
8. Корхоналарни лойиҳалашга оид хориж тажрибаси.
9. Лойиҳалашнинг замонавий концепцияси.
10. Олий таълим тизимида фанни ўқитишнинг долзарб мкаммолари.

## **МУСТАҚИЛ ИШ МАВЗУЛАРИ**

1. График ва графоаналитик усуллар.
2. Математик моделлаштириш усули.
3. Автоматлаштирилган лойиҳалаштириш тизими (САПР).
4. Кончилик корхоналарини иншоатларини лойиҳалаш ва қуриш принциплари
5. Шахта ва ер ости қурилишларини лойиҳалашнинг асослари
6. Лаҳимларни белгиланиши ва ишлаш муддатига боғлиқ ҳолда лаҳимларнинг шакли ва кесм ўлчамларини лойиҳалаш принциплари
7. Ишларни ташкил этиш ва кон лаҳимларини ўтишнинг жадал технологияларини танлаш принциплари
8. Кон лаҳимлари ва ер ости иншоатларини лойиҳалаш
9. Лойиҳалаш ва қуриш вақтида меҳнатни ва ташқи муҳитни муҳофаза қилиш ишлари
10. Ер усти иншоатлари ва биноларни қуришнинг конструкциялари ва асосий принциплари
11. Конни молиявий иқтисодий баҳолаш усуллари.
12. Руда таркибидаги метални критик баҳосини аниқлаш.
13. Конни қазиб олиш усулларини танлаш.
14. Рудникни йиллик ишлаб чиқариш унумдорлигини аниқлаш усуллари

## ГЛОССАРИЙ

**Рудникни лойиҳалаш** - бу ижодий жараён бўлиб, кон ишларини келажагини олдиндан кўришга интилишдир. Лойиҳалашни самарадорлиги аввало услубий кўрсатмаларда, қўйилган масалаларни тўғри ечиш учун уларни танлаб олинишига боғлиқ. Бу кўрсатма одатда ҳисоб кўринишига асосланган ёзма баённома, чизма ва бошқа материаллардан иборат.

**Геологик** – руда танасини ётиш элементлари ва унинг морфологияси ёндош жинсларнинг ва руданинг физик – механик хусусиятлари; Конда қўлланиладиган қазиб олиш тизими, шахта майдонини қазиб олиш тартиби, кон ишлари олиб боришни ҳавфсизлиги, руда таркибида сақланадиган фойдали компонентлар (бирикмалар), миқдори капиталъ ва тайёрловчи лаҳимларни ўтишдаги иш ҳажми ва муддати, 1 т қазиб олинган руданинг таннархи.

**Қават** – қаватчаларга бўлиш, (бир неча қават ости лаҳимларига) бундай лаҳимлар шахта стволи ёки «кўр» стволдан бошлаб ўтилади.

**Техникавий** – иқтисодий ҳисобларда қиялиги бўйича унинг баландлиги қабул қилинади яъни юк ташувчи ва шамоллатувчи штреклар оралиғидаги қиялик баландлигини ҳақиқий ўлчами билан ифодаланилади

**Рудник** фойдали қазилмаларни (асосан, кўмирни) ер ости усулида қазиб чиқарувчи кончилик корхонаси.

**Шахта** асосан металл рудалари, кон-кимёвий хом ашё ва курилиш материалларини ер ости усулида қазиб чиқарувчи кончилик корхонаси.

**Карер** фойдали қазилмаларни очик усулда қазиб чиқарувчи кончилик корхонаси. Разрез – кўмир қазувчи карер.

**Прийск** қимматбахо металларга эга бўлган сочма конларни қазиб чиқарувчи кончилик корхонаси

**Промисел** суюк ва газсимон фойдали қазилмаларни қазиб чиқарувчи кончилик корхонаси (нефть промисели)

**Шпур** тоғ жинсларида ёки бетонда, ғиштли деворларда бурғилавчи болға ёки пармалар ёрдамида бурғилаб ҳосил қилинган цилиндрсимон, диаметри 75мм гача ва чуқурлиги 5м гача бўлган сунъий чуқурлик.

**Скважина** бурғилаш дастгоҳи ёрдамида ҳосил қилинган диаметри 75мм дан катта, чуқурлиги 5м дан ортиқ бўлган сунъий чуқурлик.

## **ДИДАКТИК МАТЕРИАЛЛАР**

### **НАЗАРИЙ МАШГУЛОТ УЧУН ДИДАКТИК МАТЕРИАЛЛАР**

#### **КОНЧИЛИК КОРХОНАЛАРИНИ ЛОЙИХАЛАШНИНГ ДОЛЗАРБЛИГИ**

Кончилик корхонасини (рудникларни) лойиҳалаш ишлари, табиий ресурслардан рационал фойдаланишга қаратилган бўлиб, фойдали қазилмаларни қазиб олишдан, комплекс қайта ишлов бериб тайёр маҳсулот олганига қадар бўлган жараёнларни ўз ичига олади. Шунинг учун лойиҳалашда қурилиш материаллари, металл, энергия ресурсларини ва маблағларни тежаб сарфлайдиган технолгияларни қўллаш, лойиҳани техникавий даражасини юқори бўлишини ва маҳсулот сифатини ҳар томонлама ошириш талаб этилади.

**ҲОЗИРГИ ДАВРДА РУДА ТАРКИБИ МЕТАЛГА БОЙ БЎЛГАН КОНЛАР ЕР ОСТИНИ ЧУҚУР ҚАТЛАМЛАРИДА ҚОЛГАН, ШУНИНГ УЧУН УЛАРНИ ЕР ОСТИ УСУЛИДА ҚАЗИБ ОЛИШ РАНГЛИ МЕТАЛЛ КОНЛАРИДА -67% ТАШКИЛ ЭТСА, КИМЁ САНОАТИ ҲОМАШЬЁСИНИ ҚАЗИБ ОЛИШДА -50%, КЎМИРНИ -60%, КАЛИЙ ТУЗЛАРИ ДЕЯРЛИ 100% ЕР ОСТИ УСУЛИДА ҚАЗИБ ОЛИНМОҚДА. КАРЬЕРЛАРДА ГИГА НИСБАТАН, ЕР ОСТИ РУДНИКЛАРИДАН ҚАЗИБ ОЛИНГАН МЕТАЛЛ МИҚДОРИ БИР НЕЧА МАРТА ОРТИҚДИР.**

**РУДНИКЛАРНИ ЛОЙИХАЛАШНИ БОШ  
МАҚСАДИ ШУНДАН ИБОРАТКИ, ИМКОНИ  
БОРИЧА КАМ КАПИТАЛ МАБЛАҒЛАР  
САРФЛАШ ВА ЭКСПЛУАТАЦИЯ  
ҲАРАЖАТЛАРНИ ҲАМ КАМ САРФЛАГАН  
ХОЛДА, ҲАЛҚ ХҮЖАЛИГИГА ЗАРУР  
БҮЛГАН ФОЙДАЛИ ҚАЗИЛМАНИ КҮПРОҚ  
ҚАЗИБ ОЛИШНИ ОПТИМАЛ  
ҮЛЧАМЛАРИНИ ЛОЙИХАЛАШДА, ХАТОГА  
КАМРОҚ ЙÜЛ ҚҮЙИШ ИМКОНЛАРИНИ  
ҲАМ ҮРГАТИШДИР.**

**РУДНИКНИ ЛОЙИХАЛАШ - БУ ИЖОДИЙ  
ЖАРАЁН БҮЛИБ, КОН ИШЛАРИНИ  
КЕЛАЖАГИНИ ОЛДИНДАН КҮРИШГА  
ИНТИЛИШДИР. ЛОЙИХАЛАШНИ  
САМАРАДОРЛИГИ АВВАЛО УСЛУБИЙ  
КҮРСАТМАЛАРДА, ҚҮЙИЛГАН  
МАСАЛАЛАРНИ ТҮФРИ ЕЧИШ УЧУН  
УЛАРНИ ТАНЛАБ ОЛИНИШИГА БОГЛИҚ.  
БУ КҮРСАТМА ОДАТДА ҲИСОБ  
КҮРИНИШИГА АСОСЛАНГАН ЁЗМА  
БАЁННОМА, ЧИЗМА ВА БОШҚА  
МАТЕРИАЛЛАРДАН ИБОРАТ**

## **Лойиҳалашнинг меъёрий базаси:**

*Давлат стандартлари*

*ҳар ҳил меъёрий хуҗжатлари*

*директив кўрсатмалар*

## **Кончилик корхонасининг лойиҳасида қўйидаги асосий масалалар ўз ечимини топади**

- шахта майдони доирасидаги саноат захирасини чегараси;
- йиллик қазиб чиқариш қуввати;
- шахтани хизмат қилиш муддати ва рудникни ишлаш режими; конни очиш усули, шахта майдонини ишга тайёрлаш;
- фойдали қазилмани қазиб олиш технологияси;
- қазиб олиш тизимидағи ишларни ва тайёрловчи лаҳимлар ўтказиши механизациялаштиришни ечими;
- кон транспорт воситалари ва схемаси;
- ер юзасидаги трансопрт, кўтариш қурилмаси;
- шамоллатиш, шахтадан сизод сувни чиқариш,;
- электр энергия таъминоти;
- пневматика хўжалиги, корхонани автоматик тизимда бошқариш;
- атроф муҳитни муҳофазаси, қурилишни смета нархи ва техниковий-иқтисодий кўрсаткичлари;
- меҳнат унумдорлиги, қазиб чиқарилган маҳсулотни тан нархи;
- рентабеллиги, механизация ва автоматизациялаш даражаси,;
- капитал кўйилмаларни иқтисодий самарадорлиги.

## АМАЛИЙ МАШГУЛОТЛАР УЧУН ДИДАКТИК МАТЕРИАЛЛАР

$$A = V \frac{S' \gamma K_u K_1 K_2}{K_k};$$

Бу ерда  $V$  - барча руда майдонида тиккасига қазиб олиш тезлигини ўртача йиллик чүкүрлашиши (пасайиши), м

$S = mL$  – руда танасини горизонтал кесимини юза майдони,  $\text{м}^2$ ;

$m$  – руда танасини ўртача горизонтал қалинлиги, м;

$L$  – руда танасини чўзиқлиги бўйича узунлиги, м;

$\gamma$  – рудани массивдаги зичлиги,  $\text{т}/\text{м}^3$ ;

$K_u$  – ажратиб олиш коэффиценти, бирлик улушкида;

$K_1$  – руда танасини оғиш бурчагини ҳисобга оловчи, тузатучи коэффициент (жадвал 6.3);

$K_2$  – руда танасини қалинлигини ҳисобга оловчи (тузатувчи) коэффициент (жадвал 6.3);

$K_k = 1 - \rho$  – рудани сифатсизланиш коэффициенти;

$\rho$  – рудани сифатини камайиш коэффициенти.

$$\frac{n_o}{n_n} = \frac{t_o}{t_n}; \frac{n_o}{n_H} = \frac{t_o}{t_H};$$

$$n_n = n_o \frac{t_n}{t_o}; n_H = n_o \frac{t_n}{t_o};$$

Бунда  $t_o$  - қазиб олинаётган блокни ҳизмат қилиш мүддати;

$t_n$  - блокни ишчи тайёрлаш мүддати;  
 $t_H$  - блокни кесиш мүддати.

$$n_o = \frac{n \cdot t_o}{t_o + t_n + t_H}$$

$$T = \sum_{i=1}^q \frac{r_i \cdot L_i}{L_o}$$

**Бунда  $q$  – бир вақтда қазиб олинаётган руда танасининг сони;**

**$r_i$  - бир вақтда қазиб олинаётган қаватлар сони;**

**$L_i$  – қаватдаги руда танасини узунлиги, м;**

**$L_o$  - блокни узунлиги, м;**

**$t_o; t_H; t_n$  – қиймати блокларни қазиб олиш графигига мувофиқ аниқланади.**

$$A = \frac{M \cdot 100}{C \cdot K_1 \cdot K_2};$$

**Бу ерда:  $M$  – рудникка берилған йиллик метал ишлаб чиқариш бўйича унумдорлиги, Т;**

**$C$  – руда таркибидағи металл, %;**

**$K_1$  – рудани бойитишида концентратни ажратиб олиш коэффициенти;**

**$K_2$  – металургия жараёнида концентратдан металлни ажратиб олиш коэффициенти.**

$$H = \frac{A_{\tilde{A}} \cdot \sin \alpha (1 - \rho)}{L_o \cdot m \cdot \gamma \cdot \eta};$$

Бу ерда:  $A$  – рудник ёки шахтани йиллик қазиб чиқариш (ишлаб чиқариш) құвваты, т/йил;

$P$  – рудани сифатсизланиш коэффициенти, бирлик улусида;

$L_o$  – рудани чүзиқлиги бүйича, қазиб олинадиган кавжойини йиллик силжиши.

$$L_o = n \cdot l;$$

Хар хил қазиб олиш тизими қўлланилганда проф. М.И. Агошков ва проф. Г.И. Молаҳовлар томонидан тавсия этилган қаватлар баландлиги, м.

№	Қазиб олиш тизими	Оралиқ горизонтсиз		Оралиқ горизонт билан	
		дан	гача	дан	гача
1.	Шип поғонали ва ёппасига тиргак мустаҳкамлагичлар ўрнатиш билан	30	60	60	80
2.	Қават ости штреклари билан	50	100	-	-
3.	Рудани қазиб магазинлаш тизимида	40	75	60	100
4.	Горизонтал ва қия қатламлаб қазилган бўшлиқни тўлдириб қазиб олиш	30	50	60	80
5.	Мустаҳкамлагич ўрнатиб бўшлиқни тўлдирмасдан қазиб олиш	20	40	60	80
6.	Станкали мустахкамлагичлар ўрнатиб ҳам бўшлиқни тўлдириб қазиб олиш тизимида	30	50	50	80
7.	Қатламлаб қулатиш: Руда танасини ётиш қиялиги тиккага яқин бўлганида рудани ётиш қиялиги озгина нишаб бўлганида	30 20	60 40	- -	- -
8.	қават остини қулатиш тизимида	40	75	-	-
9.	Қават бўйича қулатиш тизимида	60	100	-	-
10.	Қомбинациялаштирилган тизимларда: камерани жинслар билан тўлдириш очиқ ва магазинланган камера тизими	40 50	60 100	- -	- -

## **АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

### **Асосий адабиётлар**

1. Шестаков В.А. Проектирование горных предприятий. Учебник. М.: МГГУ, 2003. - 800 с.
2. Пешкова М.Х. Экономическая оценка горных проектов. М.: МГГУ, 2002. - 422 с.
3. Сагатов Н.Х. Кон иши асослари. Ўқув қўлланма. Тошкент: ТДТУ, 2005. -212 б.
4. Сагатов Н.Х., Меликулов А.Д., Шамирзаев Х.Х. Фойдали казилма конларини ер ости усулида қазиш. Ўқув қўлланма. Тошкент, ТДТУ, 2004. –170 б.
5. Картозия Б.А., Корчак А.В., Мельникова С.А. Строительная геотехнология. М.: МГГУ, 2003.– 231 с.
6. Картозия Б.А., Малышев Ю.Н., Федунец Б.И. и др. Шахтное и подземное строительство. Том1. М.: МГГУ, 2003. 732 с; Том2. М.: МГГУ, 2003. 815 с.
7. Шилин А.А. Освоение подземного пространства (зарождение и развитие). М.: МГГУ, 2005.– 305 с.

### **Кўшимча адабиётлар**

8. Аренс В.Ж. Основы методологии горной науки. М.: МГГУ, 2003.-223 с.
9. Попович Н.Н. Экономический механизм оценки эффективности реконструкции угледобывающих предприятий. М.: МГГУ, 2002. - 248 с.
10. Михеев О.В., В. Г. Виткалов и др. Подземная разработка пластовых месторождений. М.: МГГУ, 2001. - 488 с.
11. Порцевский А.К. Выбор рациональной технологии добычи руд. Геомеханическая оценка состояния недр. Использование подземного пространства. Геоэкология.-М.: МГГУ, 2003. - 767 с.
12. Хохряков В.С. Проектирование карьеров. М., Недра, 1980.
13. Ржевский В.В. Открытые горные работы. М., Недра, 1985.
14. Шпанский О.В. Сборник задач по проектированию карьеров. Л., ЛГИ, 1987.
15. Научные проблемы горного производства. Сборник статей к 80-летию академика В.В. Ржевского. М.: МГГУ, 2000. -350 с.
16. АРКОМ-97. Сборник докладов на английском языке. М., МГГУ, 1997.

17. Баклашов И.В., Борисов В.Н. Проектирование и строительство горнотехнических зданий сооружений. Части 1-2. М.: Недра, 1990-1991.
18. Куликов Ю.Н., Максимов А.П. Проектирование и строительство горнотехнических зданий и сооружений. - М.: Недра, 1991.
19. Куликова Е.Ю. Подземная геоэкология мегаполисов. М.: МГГУ, 2005.  
480 с.